

VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш
учун QR-кодини
телефон орқали
сканер килинг.

O'ZBEKISTON

HAFTA ICHIDA

● 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Сенат Раиси Танзила Норбоева Кенгаш мажлисини очар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мириёев нинг Олий Мажлисига йўллаган Мурохаатномасидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар, шунингдек, парламент юкори палатаси зиммасига юклangan ваколатларнинг амалга оширилиши борасида Сенат аъзоларининг масъулияти ҳақида тұxtалиб ўтди.

Мажлисда Сенатнинг иккичи ялпи мажлисини жорий йил 28 февраль куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

● Ўзбекистон ёшлар итифоқи ташаббуси билан ташкил этилган «Эзгулик албатта қайтади!» шиори остидаги қон топшириш хайрия акцияси давом этмоқда.

Ўзбекистон ёшлар итифоқи, Миллий гвардия, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур акция ахоли ўртасида бегараз донорлик тизимини ривожлантириш, ёшларда олижоноблик ва бағрикенлик түйғуларини шакллантириш мақсадида амалга оширилмоқда.

ЎзА материаллари
асосида тайёрланди.

14 ХАРБИЙЛАР
МАКТАБ
ОЧИЛИШИДА

16 ОРТДА ҚОЛГАН
ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР

21 АСКАР
ТАВСИЯНОМА ОЛСА
КАНДАЙ ИМТИЁЗЛАРГА
ЭГА БУЛАДИ?

22 ТИНЧЛИКНИ
АРДОҚЛАГАН
АДИБ

СИНОВЛАРДА ТОБЛАНАР САБОТ

► 4-5



ҮҚУВ ЖАРАЁНИ
ЭЛЕКТРОН БОШҚАРИЛАДИ



БИР ҚЎЛДА КУРОЛ-У,
БИР ҚЎЛДА ҚАЛАМ



ОРОЛДА ҚОЛГАН
ОҚҚУШЛAR
ТУЗЛИ ЧЎЛ ВА САКСОВУЛ
ЎРТАСИДАГИ ЖАНГ



ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ:

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Туркия Республикаси Президенти
Режеп Тайип Эрдўғоннинг тақлифига биноан 2020 йил 19 февраль куни ушбу мамлакатга ташриф буюди.**

Шавкат Мирзиёев хорижий ташрифлари чоғида, албатта, ўша мамлакатнинг табарук зиёратгоҳларида бўлиб, улуг симолари хотираасига хурмат бажо келтиради. Туркияга бу галги ташриф ҳам ана шу эзгу анъана билан бошланди. Давлатимиз раҳбари Анкара шаҳрида Аниткабир ёдгорлик мажмусига ташриф буюриб, Туркия Республикасининг Биринчи Президенти Мустафо Камол Отатурк қабрига гулчамбар кўйди.

Турк халқининг ардокли фарзанди, буюк давлат арбоби Мустафо Камол Отатурк манг ором топган маскан хақл жуда қадрли. Йил давомимида бу ердан зиёратчиликнинг қадами узилмайди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Туркия Республикаси Президенти сарайда бўлиб ўтди. Расмий кутуб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Режеп Тайип Эрдўғон тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги сиёсий, савдо-иктисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлик ривожлантириши масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон билан Туркияни муштрак тил ва тарих, ўхшаш маданият ва анъаналарга асосланган яқин дўстлик ва қардошликтин юксак ифодаси бўлган эди. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абдий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. 2017 йил октябрь ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга илк давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ҳамкорлигини стратегик шерликлар даражасига кўтарадиган Қўшма баёноти имзоланди.

Ўтган уч йилда алоқалар стратегик шерликлар даражасига чиқди. Президентлар 7 марта учрашиди. Олий даражадаги учрашув музокараларда мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўллами ҳамкорликни ривожлантириши истиқболлари муҳокама қилинди. Бу икки мамлакат ишбильармон доиралари учун қулай шароит яратиш, инвестиция мухитини яхшилаш, қўшма кооперация лойӣхалари ва маданий-гуманитар амалий дастурларини амалга ошириш каби кўплаб ўйналишларда ўз аксими топмоқда.

Ўтган йили сентябрь ойида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига тўла ҳукуқли азъо бўлди. Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга қўшилиши барча туркий мамлакатлар, аввало, Туркия Республикаси қизғин кўллаб-кувватлари. Шу тарақ мамлакатларимиз учун яна бир ҳалқаро тузилма доирасида иккιва сўнг томонлама ҳамкорлик учун янги имкониятлар пайдо бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Туркий кенгашинг Бокуда ўтган еттичини саммити олидан Тошкентда Туркий тилли давлатлар ишбильармонлар кенгаши мажлиси ва Инвестиция форуми ташкил этилди.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли дўстона муносабатлар изил ривожланмоқда. Барча даражадаги мулокотлар кескин фаоллашди. Ўзбекистон ва Туркия ҳалқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини доимий

кўллаб-кувватлаб келмоқда.

Худудлараро алоқалар жадал тус олди. Тошкент ва Анкара, Самарқанд ва Истанбул ўртасида амалий ҳамкорлик борилмоқда.

Туркия ўзбекистоннинг муҳим савдо шериларидан биридан. Кейинги йилларда кулақ инвестициявий ва ишбильармонлик муҳити самарасида турк бизнеси вакиллари юртимиздаги фаолиятини кенгайтириди. 2019 йилда ўзаро савдо ҳажми 2,5 миллиард АҚШ долларидан ошиди.

Айни пайтда Туркия билан 500 миллион долларлик инвестиция лойӣхалари амалга оширилмоқда. Бундан уч йил олдин 20 миллион доллар ҳам бўймаган. Ўтган йилнинг ўзида қўшма ширкатлар салқам 500 тага кўпайиб, Карийб 1 300 тани ташкил этилди.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик кенгаймоқда. Жумладан, 2019 йилда автомобилда юк ташиш 33 фойзга, темир йўлда 17 фойзга, ҳаво қатновлари орқали 42 фойзга ошиди. Бугунги кунда Истанбулдан Тошкент ва Самарқандга парвозлар амалга оширилмоқда. Келгусида Бухоро шаҳрига ҳам парвозлар режалаштирилган.

Савдо-иктисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркия ҳукуматлараро комиссияси иктисодий алоқаларни кенгайтириш, ҳудудлар ва тармолар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Айни пайтда икки мамлакатда ҳаридорига бўлган юкори қўшимча қўймални маҳсулотларни етказиб бериш ва узоқ муддатли инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш орқали ўзаро савдо ҳажмини муттасил ошириб бориш ва диверсификация қилиб бўйича изил чоралар кўримоқда.

Музокарада ўзаро манфаатли имкониятларни ишга солиши, янги лойӣх ва дастурларни амалга ошириш учун Савдо-иктисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ўйнишларини мунтазам ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Туркия ривожланган тўқимачилик саноати билан ҳам машҳур. Мамлакатимизда Туркиянинг етакчи компаниялари билан тўқимачилик корхоналари ташкил этиш ва етиштирилаётган пахтани тўлиқ қайта ишлаб, тайёр маҳсулот учун сертификатлашни жорий этиш ва жаҳон бозорига йўналтириш мўжжалланмоқда. Бунинг учун Эге, Оқан ва Истанбул техника университетлари билан музокаралар олиб бўримоқда.

Учрашувда транспорт алоқаларини кенгайтириш, Туркия орқали Европа мультимодал халқаро ташувларни йўлга кўйиш муҳимлиги қайд этилди. Интенсив боғдорчилик, балиқчилик, чорвачилик, насличлик йўналишларида Туркиянинг илфор таҳжисини ўзлаштириши, универсitetlар ва имий марказлар билан қўшма тадқиқотлар олиб бориш масалаларига тўхталиб ўттиди.

Мамлакатларимиз ўртасида дўстликни ришталарини янада мустаҳкамлашда маданий-гуманитар тадбирлар, турли фестиваллар мухим ўрин тулади. Туркия маданияти ва санъати вакиллари Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» ҳалқаро мусика фестивалида мунтазам иштирок этиди. Шунингдек, турк амалий санъати ва фольклори намояндадлари юртимизда илк бор ўтказилган Халқаро маком санъати анжумани, Ҳунармандчилар фестивалида ҳам ўз санъати ва маданияти намуналарини тақдим этиди.

Соғлини саклаш ва тиббий таълим соҳаларида, етакчи тадқиқот марказлари ўртасида таҳжиси алмасиши ҳамда профессионал кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик ҳам мухим аҳамиятга эга. Бу борада ўтган йили Бухоро давлат тиббий институтида ҳалқаро факультет ташкил этилиб, 131 талаба ўқишига қабул қилинганини қайд этиши

ўринли. Туркия билан ҳамкорликда бундай қўшма таълим даргоҳларини кўпайтириш, ҳудудларда тиббиёт даражасини ошириш ва ахолни сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, тиббий туризмни ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Президентлар Ўзбекистонда онкогематология, кардиожаррохлик, офтальмология йўналишларида замонавий қўшма клиникалар ва диагностика марказлари ташкил этиш, кичик бизнес, тўқимачилик каби йўналишлarda қўшма таълим дастурларини амалга ошириш, кластерлар учун мутахассислар тайёрлаш тақлифи юзасидан фикр алмашдилар.

Сўнгги йилларда Туркиядан сайдоҳлар оқими баробар ошиди. Жумладан, ўтган йили 64 минг туркиялик сайдоҳлар барча масалалар ва уларнинг ечимлари, истиқболдаги асосий вазифалар ҳамда қўшма лойӣхалар келишиб олини.

Шавкат Мирзиёев Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида үтказиш учун Режеп Тайип Эрдўғоннинг Ўзбекистонга тақлиф қилди.

Музокараларда мамлакатларимиз ҳамкорлигига оид барча масалалар ва уларнинг ечимлари, истиқболдаги асосий вазифалар ҳамда қўшма лойӣхалар келишиб олини.

Оммавий ахборот воситалари ва киллар учун ўтказилган брифининг Режеп Тайип Эрдўғоннинг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдўғон Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши натижалари тўғрисида Қўшма баёноти имзоладилар. Шунингдек, иктисодиёт, савдо, технологиялар соҳасига оид хужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари ва киллар учун ўтказилган брифининг Режеп Тайип Эрдўғоннинг Ўзбекистон Президенти ташрифидан мамнун эканни билдири.

– Илми, ижоди билан дунёга эзгулик улашган Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Али Қушчи, Алишер Навоий каби буюкларимиз тупроқларидан салом келтирган бу инсонларнинг ташрифи биз учун жуда азиз ва қадрлидир. Ўзбекистон билан муносабатларимиз мустаҳкам қардошлир ришталарига таянган холда, стратегик шерликлар даражасига кўтарилиганини қадрлаймиз, – деди Туркия Президенти.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон – Туркия стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши дўстона алоқалар тарихида янги саҳифа очгани, сиёсий, савдо-иктисодий, сармоявий, транспорт, маданий-гуманитар соҳаларга оид кўлпаб масалалар атрофлича муҳокама қилинганини таъкидлайди.

– Қўшма лойӣхаларни амалга ошириш муносабаси мулокотимизнинг марказий мавзуларидан бири бўлди. Туркиянинг етакчи компаниялари билан кўмаклашшида дўстликни бир миллиард доллардан ортиқ бўлган янги лойӣхалар ишлаб чиқилмоқда. Бу жараённи ҳар томонлама қўллаб-кувватлашни саклашда, стратегик шерликлар даражасиги ташкилни бегилгайди.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Тайип Эрдўғон давлатимиз раҳбарини ташриф билан кўтлаб, мамлакатларимиз парламентлари, давлат идоралари ва ишбильармон доиралари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланини бораётганидан мунтазамлиги билдириди. Туркия ва Ўзбекистоннинг қўшма байонотига мувофиқ ташаккурни таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз делегациясига кўрсатилаётган мөхмандустлик ва чексиз ҳурмат учун Туркия раҳбари ва ҳалқига ташаккур изҳор этиди.

– Бу учрашув стратегик шерликлигиз юксак босқичга кўтарилиганининг яққол ифодасидир. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айрбошлаш ҳажмини яқин йилларда беш миллиард долларга ишказига қаратилган устуров вазифаларни бажаришда ҳам ушбу кенгаш, албатта, мухим замин бўлади. Биз бугунги йиғилиш натижаларини мустаҳкамлаб, келгуси юлини бўлиб ўтадиган учрашувнинг кун тартиби ва ҳамкорлигимизнинг асосий йўналишлари ҳақида хозирдан ўйлашимиш мақсадга мувофиқ, – деди давлатимиз раҳబар.

Ўзбекистон билан Туркия ҳамкорлиги, айниска, охирги уч йилда анҷанавий дўстлик, кенг қамровли ҳамда истиқболга мулжалланган ҳамкорликни янги босқичга кўтариши учун барча имкониятларимизни сафарбар этишига тайёрмиз. Айнан шу таъмиллар мулокотимиз якуннада имзоланган Қўшма баёноти ўз ифодасини топди, – деди Шавкат Мирзиёев.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

МИНБАР

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

«Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади».

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Дунё шиддат билан ўзгаётган, минтақалар ва давлатлар ўртасида сиёсий, иқтиносидаги мағкуравий курашлар тобора кескинлашетган бир шароитда мамлакатимиз ёшларини, жумладан, армиядаги ёш авлод вакиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш янада долзарб аҳамият касб этишада. Она юрт тақдири учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларни ўз касбига садоқатли ва ҳар томонлама етук кадрлар этиб тарбиялаш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари маҳаллаларда уюшган ва ўюшмаган ёшлар, миллӣ армиямиз сафаридаги ёш авлод вакиллари билан ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларнинг тизимили ташкиллаштирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш,

мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлишини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниб, унга асосан Республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига «Темурбеклар мактаби» номи берилди.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари тизимидағи маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қабул қилинган концепцияларни амалга ошириш доирасида ҳар томонлама билимдон, Ватанга садоқат билан хизмат қиласидаги ёшларни тарбиялаш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга

оширилмоқда.

Миллӣ қадриятларга, ҳалқларнинг маданияти ва ўзлигига бўлган таҳдидлар, ёт ғояларни сингдиришга уринишлар кучайиб бораётган глобализация жараёни жадал ривожланётган шароитда ёшлар энг заиф қатлам бўлиб қолаётгани сабабли бу йўналишида қўшимча комплекс чора-тадбирлар қабул қилиниши долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 28 июндан «Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги карори билан Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазијатлар вазириклари, Давлат хавфисизлик хизмати, Миллӣ гвардия таркибида принципиал янги

«Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейлари ташкил этилди.

Уларга бир қатор асосий вазифалар юклатилиши билан бирга, олий, олий ҳарбий ва ихтиносослаштирилган таълим муассасаларига ўқишига кириши учун муносиб номзодларни тайёрлаш белгиланди. Битирувчиларига эса олий ҳарбий ва ихтиносослаштирилган таълим муассасаларига ўқишига киришда давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларида ўзлари тўплаган балларнинг 30 фоизи миқдоридаги кўшимча баллар кўринишда имтиёз ҳамда ҳарбий академик лицейни имтиёзли диплом билан тутагтган битирувчиларга таркибида «Темурбеклар мактаби» бўлган вазирлик ва идораларнинг тегишилиги бўйича олий ҳарбий ёки ихтиносослаштирилган билим юртларига тест синовларисиз, ҳарбий-касбий саралашнинг муваффақиятида ўтиш натижалари бўйича кириш хукуки берилиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйиган эканмиз, бунга факат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислороҳати бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашмиз зарур», деб бежиз таъкидламаган.

Президентимиз Мурожаатномада мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун тартибига қўйиб, ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб

чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш кераклигини, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи «Ўзбекистон ёшлари – 2025» концепциясини ишлаб чиқиши, унда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишининг амалий чора-тадбирлари белгиланиши зарурлигини билдириди.

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳеч ким четда турмаслиги, «Ўз болангизни, ўз Ватанингизни кўз корачиғидек асранг!» деган шиор қалбимиздан чуқур жой олиши керак. Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиасини доимий юксатириши – биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Республика Ҳарбий прокуратура органлари томонидан ёшларни ватанпарварлиг руҳида тарбиялаш, уларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларнинг кенг қатламларига даҳлдор бўлган долзарб масалаларни ўрганиш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ташаббускорлик кўрсатилиб, «Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейларида ўқувчиларни тафаккурини ошириш, хукуқий онги ва маданиятини шакллантириш, манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳар ҳафтанинг пайшанба куни «прокурор соати» дарси ташкил этилган.

«Прокурор соати» дарслари Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ва худудий ҳарбий прокуратурулар томонидан Темурбеклар мактабларида ҳамда бошқа умутъалим мактаблари ўқувчилари ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари билан ҳам мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. «Келажаги буюк давлат куришида ёшлар ҳал қиливчи кучдир!» деган қатъий тамойилга амал қилиб, тизимли ишларни изчил ташкиллаштиrsак, бу йўлда бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этсан, албатта, муайян натижага эришишимиз муқаррар.

**Генерал-майор
Шуҳрат УЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг
үринбосари – Ўзбекистон
Республикаси ҳарбий
прокурори**

ХАБАРЛАР

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ УЧУН
300 күчтөр



Марказий ҳарбий округ құмандонлиги ташбуси билан округ қүшинларда «Икки жуфт күтіп тұхфасы» акциясынан старт берилди.

Хусусан, Жиззах гарнizonи ҳарбий хизматчилари акция дөириада Жиззах шаҳрининг тарихи масканларидан бири – Үрда боғининг шахидлар хотира масканида Иккінчи жағон уруши қатнашчилари хотирааси учун 300 дан ортىк күчтөрдөр екиши.

Дастлаб ҳарбий хизматчилар ва уларнинг фарзандлари ҳудудни ободонлаشتариб, дараҳтларни буталаш, оқлаш, ариқ ва күчаларни хазондан тоzалаш ишларын олиб борды.

Шундан сүнг мевали, манзаралы ва күп ийлilik дараҳт күчтөрдөр экилди. Ушбу акция давомида ҳарбий оркестр жамоаси томонидан күйланған күй-күштөр ташаббускор ҳарбий хизматчиларнинг күчига күч, ғайратига ғайрат күшди.

Еслатиб үтәмиз, ушбу ҳудудда ҳарбий округ құмандонлиги құмаси билан ҳарбий-ватаңпарварлық бөғи әтилмоқда.

Амалға ошириләттән мазкур лойиха якунига етгач, ёшлар у ерда ҳарбий техникалар билан яқындан танишиш имкониятiga зәг бўлади.

Марказий ҳарбий округ матбуот хизмати

«ВАТАН СЕНДАН РИЗО, ЎГЛИМ»

Ҳар қандай давр ва жамиятта тинчлик-дек бебаҳо нөмәтни сақлашдан устувор-роқ вазифа, улуғроқ иш бўлмайди. Бугунги шиддаткор глобаллашув замонида, замин турли ҳуружлардан қалқиб турган бир пайтада тинчлик-осойишталыкни таъминлаш ҳар қаңонидан ҳам долзар масалага айланди. Жонасон Ўзбекистонимиз тараққиёт йўлидан борар экан, уни илғор мамлакатлар каторида тан олган ва ҳамкорлик эшикларини кенг очган давлатлар билан бирга, таассуфки, юрт тинчлигига раҳна солишига уринаётган, ўзининг ғаразли мақсадларини амалга ошириши кўзлаган ғанимлар ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки ийларда ана шундай қабіх режали ноконуний куролланган тўдлар юртимиз сарҳадларини бузуб киришга уринганлари фикримизнинг далилидир. Айниқса, 2000 йилнинг ёзида Сурхондарё вилоятининг Сарисиё ва Узун туманларидаги тогли ҳудудда жангарилар билан бўлган куролли тўқнашув мустақиллигимизга таҳдид сифатида тарихга муҳрланди. Террорчи гурухлар билан олиб борилган аёвсиз олишув халқимизни мард ўғлонларидан жудо килди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими томонидан ана шу жасоратли юрт ҳимоячилари, шунингдек, ўз ҳизмат вазифасини ўташ вактида юрт тинчлиги учун жон фидо қўлган Фарғоналик жасор ӯғлонларнинг жасоратига бағишилаб «Ватан сендан ризо, ўглим» номли хотира китоби нашр әтилди. Unda бугунги кунда Миллий гвардия таркибида бўлган махсус бўлиннамаларнинг тарихи, хусусан, Сурхондарё вилоятининг Узун туманинаги қонли тўқнашувларни иштирок этиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи Юнусжон Охунов жасорати ёдга олинган.

Фарғона вилояти бўйича Миллий гвардия бошқармаси тасаррufидаги бўлиннамаларнинг бирида «Ватан сендан ризо, ўглим» китобининг таҳдимоти ўтказилди. Тадбирда Олий Мажлис сенатори, Ўзбекистон ҳалқ шоюри Энахон Сиддикова Ватан учун курбон бўлган қаҳрамонларни халқимиз ҳеч қаён унумтаслигини таъкидлади.

Ишонамизки, ушбу асар ҳар бир ватаңпарвар юртдошимизнинг китоб жавонидан муносиб ўрин эгаллади.

Миллий гвардия матбуот хизмати

МАРДИ МАЙДОНЛАР



СИНОВЛАРДА ТОБЛАНАР

„Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли дала-ўқув майдонида Нуристон гарнizonидаги ҳарбий хизматчилар иштирокида амалий машғулотлар ўтказилди.

«Нуристон» полигони. Режага мувофиқ, жанговар гурух тезкор ҳаракатланиб, белгиланган нуқтага етиб келиши билан биринчи синовни қарши олди. Шартли душман ўрнашиб олган ҳудудга элтүвчи йўлда оммавий қирғин қуроллари қўлланилган. Махорат қанчалик юқори, жанговар рух нечоғлик баланд бўлмасин, бундай пайтларда тактика қўлланилмас экан, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.


Шу боис шахсий таркиб снайперлар гурухининг кузатуви ва ҳимояси остида зудлик билан шахсий ҳимоя воситаларини кийди. Бу юрт ўғлонларининг заҳарланган ҳудуддан шартли душман ўрнашиб олган нуқтага қадар етиб бориши ва уни тор-мор килиш йўлидаги илк қадам бўлди.

Шундан сүнг ҳарбий хизматчилар жанговар иккисилик тактик гурухларига бўлинган ҳолда ҳаракатни давом эттириди. Уларни шартли душман билан юзма-юз бўлиши олдидан иккинчи синов тўсиги – чакқонлик ва эччиликни талаб этадиган симли йўлак кутиб турарди. Тактик гурухлар ўзаро ички нахвабтичи кузатуви асосида бу тўсикдан ҳам мевафакиятли ўтиб олди. Ҳарбий хизматчилар шу тарика тақтиғ тайёргарликнинг бир нечта меъёлрарини аъло даражада бажарib кетди.

То беғлиланган нуқтага етиб келгунча бир-бираидан мураккаб ва мاشқатли синовларни сабот билан енгил ўтган Ватан ҳимоячилари шартли душманни бир ҳамлада яксон этди. Уларнинг сўнгиги бор тик ҳолатдаги кўринини юртнинг асл ўғлонлари куроли нишонида қолди...


– Бу каби амалий машғулотлар шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини ошириб, уларнинг вазияти мослашиши, ўрни келса ўзлари мустақил қарор қабул қилиши ва якунда энг олий бурч – Ватан ҳимоясига ҳамиша шай ҳолатда туришини таъминлади, – дейди батальон тақтиғ гурухи мото-тўқчи взвод командири капитан Шерали Қирғиз-

САБОТ



боев. – Шахсий таркибнинг ушбу машғулотлар давомида кўрсаталётган натижалари, албатта, таҳлил қилиниб, зарур ва керакли кўрсатмалар бериб борилмоқда.





Армияни мергандарсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар масофадан турив душманни тор-мор этиш, жанг кечайтган нуқтага кириб бораётган шахсий таркибни мудофаа қилиш каби муҳим вазифаларни бажаради.

Куннинг иккичи ярмида шахсий таркиб билан биргаликда «Мергандар мэрраси» йўлаги бўйлаб ҳаракат қилдик. Улар ўқотиш нуқтасига этиб келгунча ушбу йўлакнинг бир-биридан мураккаб, турли-туман тўсиқларини енгib ўтди. Қайд этиш жоизки, йўлак бўйлаб тез ва аниқ ҳаракатланиб, жанговар вазифани тўла-тўқис, хатоларсиз бажариш учун қулай нуқтага этиб келишнинг ўзи ҳам ҳарбий хизматидан катта маҳорат талаб қиласди. Ундан ташқари нишонни бехошуриш учун мергандар маҳоратдан ташқари хотиржамлик ва диккатни жамлаш кўнкимаси ҳам мужассам бўлиши керак. Ана шундай сифатларни ўзида ҳам этган юрт ҳимоячилари белгиланган нишонларни йўқ қилиб, жанговар вазифани аъло даражада бажаришди.

Шу тариқа амалий машгулотларда ҳарбий хизматиларнинг жанговар маҳорати, сабр-тоқати ва чидамлилиги яна бир бор синовдан ўтди.

**Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи,
оддий аскар Исломжон Қўчқоров,
«Vatanparvar»**



ХАБАРЛАР ҚўМОНДОН ВА ВИЛОЯТ ҲОКИМИ уруш қатнашчиси уйда



Шимоли-ғарбий ҳарбий округ кўшинлари қўмондони полковник Дилшод Чориев ҳамда Хоразм вилояти ҳокими Фарҳод Эрманов бир гурӯх ҳарбий хизматчилар ва вилоят фахрийлари ҳамроҳлигida Урганч шахрининг фахрига айланган Иккичи жаҳон уруши қатнашчиси Жаббор ота Қаландаров ҳолидан хабар олишиди.

Хонقا кўчасида истиқомат қўлиувчи отахон совфалар билан сийланди. Мезбон сұхбат давомидида бугунги қун қадри ҳақида тўлқинланни гапирди. Аввало, юртимиздаги тинчлик ва осойшталик учун шукроналар айтиб, она Ватанимизга кўз тегмасин, дез дуога кўл очди.

99 ёшли қаршилаган отахон кўп йиллар махалла фуқаролар йигинида ишлаган, кўплаб оиласаларнинг тинч-тотув яшами учун ўз хиссанини кўшган. Ташириф Жаббор ота нинг кўнглини тоғдек кўтарди.

Шу куни Урганч гарнizonидаги ҳарбий қисмлардан бирда бўлиб ўтган «Қўмондон ва ёшпар учрашуви» ёшларни ватанларварлик руҳида тарбиялашга қартилган саъ-ҳаракатларнинг амалдаги ифодаси бўлди. Нуроний отахонлар ёшларни Ватанга содик фарзанд бўлиб этишишларига, юртимиз равнақи ва истиқболи йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга даъват этишиди. Учрашув очиқ ва самимий руҳда ўтди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ботибут хизмати

БЕРЛИН ОСМОНИДА УЧГАН ЎЗБЕК



Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари тасарруфидаги ҳарбий қисмларнинг бирда «Иккичи жаҳон урушида қаҳрамонлик кўрсатган биринчи ўзбек учувчиси Абдусамад Тайметовнинг ҳаёти, фаолияти ва кўрсатган қаҳрамонликлари» мавзууда маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ҳарбий учувчилар, фахрийлар ва мактаб ўкувчилари иштирок этган тадбирда Иккичи жаҳон урушида ҳалок бўлган ватандошларимиз хотирасига чукур ҳурмат бажо келтирилиб, фашизмга қарши жангларда, меҳнат фронтида заҳмат чеккан фахрийларимизга эҳтиром кўрсатиш юртимизда эзгу анъянага айлангани таъқидланди.

— Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида, уршуридиаги қаҳрамонлиги, фидокорона меҳнати ва тарихи хизматларини мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсадимизdir, — дейди майор Элёр Бердиеv.

«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти музейи директори Мухаммадкарим Отажонов, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари фахрийлар кенгаши раиси заҳирадаги полковник Александр Харламов биринчи ўзбек учувчиси Абдусамад Тайметовнинг жангту жадалларда учган самолётлари, Берлиндан Москвага ғалаба тўғрисидаги ҳужжатни олиб келгани тўғрисида сўзлаб берди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

ИСЛОХОТ

МУДОФАА САНОАТИ КОМПЛЕКСИНИ БАРДО ҚИЛИШ

давлат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир

Узоқ йиллар давомида Қуролли Кучларимизни ҳарбий ва икки мақсадда фойдаланиладиган маҳсулотлар билан таъминлаш асосан импорт ҳисобидан амалга оширилди. Ушбу ҳолат нафқат миллий армиямизни ҳарбий ва маҳсус техника, қуроласлаҳа ва бошқа зарур жиҳозлар билан ўз вақтида таъминлашга, балки мамлакат ҳарбий хавфзислигини таъминлаш каби стратегик йўналишида хорижий давлатларга боғланниб қолишдек ҳолатни юзага келтириди.

Айни пайтда республикамизда мавжуд мудофаа аҳамиятига эга бўлган «Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи» давлат корхонаси (ДК), «Восток» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат унитар корхонаси (ИИБ ДУК) каби бир катор корхоналар оғир иқтисодий аҳволга келип қолган эди.

Мамлакатимиз ривожланишининг янги босқичида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусига кўра, 2017 йил 20 ноябрда давлат мудофаа буюртмаларини шакллантириш ҳамда мудофаа аҳамиятига эга, ишлаб чиқариш соҳасида янги давлат сиёсатини олиб боришига масъул бўлган давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати бўйича давлат кўмитаси тузилди.

Кўмитанинг асосий вазифалари сифатида давлат мудофаа буюртмаларини шакллантириш ва бажариши таъминлаш, давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ташкилотларини мудофаа саноати соҳасидаги фаoliyatiни мувофиқлаштириш, қуроласлаҳа, ҳарбий ва маҳсус техникалар ҳамда бошқа мулкни ишлаб чиқариш, таъмирлаш, модернизация килиш, ҳалқаро ҳарбий ҳамкорликни йўлга кўйиш ва бошқа долзарб вазифалар белгиланди.

Ўтган икки йил мобайнида қўмита томонидан мамлакатимиз саноатининг ҳарбий ҳамда икки мақсадда фойдаланиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришина таъминлаш ҳамда миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ, жанговар техника, маҳсус воситалар ва айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.



Жумладан, БМ-21 «Град» русумли ялпи ўтиш реактив тизими янги замонавий шассига ўрнатилди амалий синовлардан муввафқиятли ўтди.

ларнинг таъмирланаётган жиҳозлари номенклатураси ортди, Су-25 русумли самолётларни таъмирлаш ўзлаштирилмоқда.

«Восток» ИИБ ДУК-да бугунги кунда ўқотар қуроллар учун ўқ-дорилар ишлаб чиқарилимоқда. Амалга оширилган тадбирлар натижасида 2020 йилнинг биринчи ярмида янги турдаги патронлар ишлаб чиқарувчи линиянинг ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

Ҳарбий кийим-анжомларни ишлаб чиқариш бўйича ўзбек – турк кўшма корхонаси тузилиб, 2019 йилда дастлабки цех фаолияти йўлга кўйилди, 2020 йил II кварталда корхона тўлиқ қувватда ишга туширилиши режалаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати бўйича давлат кўмитаси тасарруфидаги («Восток» ИИБ ДУК, «Чирчиқ авиаация таъмирлаш заводи» ДК, «Инновацион технологиялар маркази», «MS TexMash» ва «MS RemTex» МЧЖлар) ва маҳаллий корхоналар (KRANTAS, ISUZU ва бошқалар) да ишлаб чиқарилаётган ҳарбий ва икки мақсадда кўлланиладиган маҳсулотлар ва хизматлар кўрсатиш кўрсаткичларини 2 баробар ошириш режалаштирилган.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар миллий армиямизни замонавий қуроласлаҳа ва ҳарбий техникалар билан таъминлашга қодир бўлгар тўлақонли мудофаа саноати секторини барпо этиш учун етарли эмас. Юқорида белгилangan пировард натижаларга эришиш ҳамда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида 2020 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси мудофаа саноатини янада ривожлантиришга қаратилган амалий ҳаракатлар режаси («Йўл ҳаритаси») ишлаб чиқимоқда.

Ўшбу режада Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келип чиқсан холда 2020 ва кейинги йилларда асосий эътибор Қуролли Кучларимизни замонавий қуроласлаҳа, ҳарбий ва маҳсус техника ҳамда бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларни тўлиқ таъминлашга, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришга, ишлаб чиқарилаётган ҳарбий ва икки мақсадли маҳсулот турлари ҳамда номенклатурасини кўпайтиришга, корхоналарга турли имтиёзлар яраттган холда маҳсулотлар таннархини тушириш ва уларнинг экспортболлигини оширишга қаратилади.

Бундан ташқари, «Чирчиқ авиаация таъмирлаш заводи» ДК реконструкция қилиниб, тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланган, бунинг натижасида корхона томонидан кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш имкони яратилди. Жумладан, «Ми» русумидаги вертолёт-

ишилаб чиқарувчи линиянинг ишга туширишга қаратилади.

**Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа саноати бўйича
давлат кўмитаси**

СИЁСИЙ ШАРХ

Киргизистон – гўзал тоғли мамлакат. Марказий Осиёнинг шимоли-шарқида жойлашган бўлиб, Тянь-Шань ва Помир-Олой тоғларининг сезиларли қисмини эгаллаган. Республиканинг майдони 200 минг квадрат километр, унинг 90 фоизини тоғлар қамраб олган. Шимолда, гарб ва жанубда Қозогистон, Ўзбекистон ва Тожикистон, жануби-шарқда Хитой билан чегарадош.

ҚОНИ БИР, ТИЛИ БИР ИККИ ХАЛҚ

Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан бир дарёнинг икки қирғогида яқин кўшини сифатида яшаб келган. Тарихимиз умумий, маданий ва диний кадриятларимиз муштарак, анъана ва урф-одатларимиз ўхшаш. Машхур адаб Чингиз Айтматов айтганидек, «Халқларимизнинг қони бир, тили бир». Ҳеч иккисигасдан айтиш жоиз, Ўзбекистоннинг ташки сиёсатида Марказий Осиё мінтақаси, хусусан, Қиргизистон асосий йўналиши сифатида устуворлик касб этади. Ўзбекистон ва Қиргизистон Президентларининг олий даражадаги учрашувлари бирмунча олдин совуқлашган муносабатларимизга илиқлиқ кириди. Давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги сунъий тўсикларни бартараф этди, чинакам борди-келди тикланди.

Қиргизистон собиқ Президенти Алмазбек Атамбаевнинг 2016 йил 24 декабрь куни Самарқандга ташрифи буғунги мулоқотларга дебоча бўлиб, кейинги музокаралар «Самарқанд учрашви руҳи» асосида давом этирилди. Энг аввало, икки давлат раҳбарлари учрашувлари сув ресурсларидан давлатларимиз умумий мағнатларига мос равишда оқилюна фойдаланиш борасида келишиб олинди.

СЎЗДАН АМАЛИЙ ИШ САРИ

2016 йил охирида Андижон ва Ўща бўлиб ўтган расмий делегациялар учрашувларидан сўнг кўплаб эксперталр ўзбек – қирғиз муносабатлари жадал суръатларда ривожланишини кутишганди. Воеалар тезлик билан ривожланадигандек тулуғанди, аммо бирор вақт сукунат юзага келди. Мамлакатлар бўлиб ўтган жараёнларни «ҳазм қилиши» ва навбатдаги қадамларни ўйлаб олишлари керак эди.

Ийлар давомида шаклланган вазияти бир соат ичига ўзгаририб юбориши осон эмас. Зеро кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, тегиши фармон ва фармойишлар бериш, хуллас, барча бюрократик «анъана ва удумлар»га риоя қилиш лозим. Аслида икки республика ҳукуматлари энг асосий муаммо – чегаралар демаркацияси ва делимитацияси борасида мурakkab ишни амалга оширилди. Томонлар ўртасидаги сўнгги келишувлар бу масалада сезиларни равишда олга қадам ташланганигидан гувохлик бериб турибди. Ўзбекистон ташки ишлар вазири Абдулазиз Комилов 2018 йил апрель ойдаёт «Қиргизистон билан ҳамкорликнинг кўплаб ўйналишлари бўйича олдинга қадам ташладик. Хусусан, чегаралар демаркацияси ва делимитацияси каби қийин, нозик масалада ҳам. Бугунга келиб деяр-

ли минг километр чегарани белгилаб бўлдик», деганди. Дарҳақиқат, умумий узунлиги 1 370 километрни ташкил этивчи ўзбек – қирғиз чегарасининг бугунгача 92 фоиздан кўпроғи бўйича келишиб олинган. Тошкент илгари кузатилмаган равишда айрим ён беришларга рози бўлмокда. Бишкек эса ўз навбатида муаммоларни ҳам қилиши орта сурма патти.

Муз ҳақиқатан ҳам жойидан кўчгани ойдинлашди. Нафақат чегараларни демаркация қилиш, балки фуқароларнинг чегараларни кесиб ўтишлари борасида ҳам силжиш кузатиди. Яқиндагина чегара олди низолари сабаб тез-тез тўқиаш келган давлатлар учун бу олдинга ташланган катта қадамдир. Тўрт ой ўтиб-ўтмай

ларга қарамай, Ўзбекистон кийин ва мурakkab кезларда Қиргизистонни ҳар томонлама қўллаб-куватлади. Ўтган йили оғир молиавий қийинчиликларни бошдан кечираётган республика Ўзбекистон 100 миллион долларлик кредит ажратди. Шунга қарамай, Қиргизистон томони ҳозир ҳам мамлакатимизнинг айрим маҳсулотларини ўз худудига киритишга монелик қилияти. Яна бир масала. Осиёнинг етакчи давлатлари бозорларига чиқишида Қиргизистоннинг транзит имкониятлари биз учун жуда муҳим. Масалан, мамлакатимиз маҳсулотларининг Хитойга ушбу давлат орқали етказилиши учун бор-йўзи 300 км.га яқин масофани босиб ўтишкерак, холос. Демак, Қиргизистон

кетиш имконияти тушуниларди. Масалан, собиқ Президент Қурманбек Бақиевни афрон наркотикларни Тожикистондан контрабанда қилиш, транзити билан шуғулланиш, Хитой, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари маҳсулотларининг қайта экспорт қилишга бошлики қилишда айлашган. Президент Бақиев ҳокимиият жамиятин янгилаш, мамлакатни демократлаштириш ўрнига кам сонли миллатлар ҳуқуқларини поймол қилиш, сўз эркинлигини бўғиши, амалларни ўз яқинларига бўлиб беришдан нариш ўтолмади. Уша вактларда гарб жамоатчилиги Қиргизистонни Марказий Осиёдаги демократия ороли сифатида кўкларга кўтаргани ҳаммага маълум. Бироқ ўшанда



ҚИРГИЗИСТОН

Бишкекка Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов расмий ташриф билан борди. Сооронбай Жээнбеков (ўша кезларда Бош вазир) билан учрашувда бир нечта келишувларга эришилди. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар ҳеч қачон бу дараждада юқорига кўтарилимаганди. Гап шундаки, саккиз йил давомида или марта Бишкекда иккى томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлароро комиссияларнинг йиғилиши бўлиб ўтди, чегараларни делимитация ва демаркация қилиши мунасалалари бўйича делегациялар учрашуви ҳам 2009 йилдан бўйи илбор бўлиб ўтди.

АТАМБАЕВНИНГ ХУЛОСАСИ

2016 йил 24 декабрь куни Алмазбек Атамбаев амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлганди. Ўшанда Президент бир кун олдин Бишкекда аҳоли билан учрашганини ва Ўзбекистонга ташрифи ҳақида ҳабар топган одамлар Шавкат Мирзиёевга илик сўзларни етказиб қўйишни тайинлашганини айтиб ўтди. «Одамлар сиз – ҳақиқий дўст, Қиргизистоннинг бироради эканлигинизни айтдилар. Бу қабул килинган тарихий ҳарорлар туфайлидир. Биз кўп йиллар давомида ишламаган ва инсонларнинг ўз қариндошлари ҳамда яқинлар билан кўришишига ҳалакт берган назорат-ўтказиш пунктларининг очишини кўрмоқдамиз. Бу пунктларнинг очишиши – сизнинг донолигингиз ва узокни кўра билишингиздир. Тарихга қарасак, биз бир вақтлар катта давлатнинг – Кўкон хонлигининг бир қисми бўлган эдик. Бизнинг кучимиз биргаликда бўлганимизда эди. Мисол учун, агар онаси қирғиз бўлса, отаси ўзбек ва аксинча. Буни барчамиз ёдда сақлашимиз керак. Бизнинг муносабатлар даражасини янгиг чўққиларга олиб чиқиш лозим, улар қадим замонлардаги каби бўлиши керак. Агар қимид ҳали ҳам тушунмаган бўлса, улар вақт ўтиши билан буғунги қарорларнинг қанчалик мұхимлиги ва ташрифлар қанчалик тарихий бўлганини англаб етишиди», деба хулоса қилган эди.

АТАМБАЕВ ҲИБСДА. ЭНДИ МУНОСАБАТЛАР ҚАНДАЙ КЕЧАДИ?

Тўғрисини айтиш керак, 1991 йилдан бери ўзбек – қирғиз муносабатлари бир текисда кечмади. Ҳатто, 2010 йилда айрим миллиотчилар томонидан Қиргизистон жанубидаги ўзбекларга нисбатан қирғин ўюштирилди. Ўзбек – кечириими халқ. Мавжуд мунаммо-

худуди орқали Хитой билан боғлайдиган қисқа масофали темир йўл ишга тушса, бу бизнинг минтақани нафақат Хитой, балки Яқин Шарқ, Европа ва Осиё давлатлари билан боғлайди. У минтақадаги транспорт ўйналишларини диверсификация қилишда яна бир муҳим омил бўлади. Аммо негадир қирғиз томони анашу йўл очилишини тезлаштиришга шошилмаяти.

Энди ўзбек – қирғиз муносабатларини ривожлантиришга сиёсий иродга топа олган Атамбаев ҳақида қискача. Атамбаев ҳозир қамоқда, тергов ҳаракатлари давом этади. 2019 йилнинг 1 юлидан Жогорку Кенеш (парламент) депутатлари ёзи таътилга кетиши олдидан собиқ Президент Алмазбек Атамбаева олтита айлов, шу жумладан, коррупция, ушунг жиной гурӯхларни тузиш, лоббизм, шунингдек, унга қарши қиққасида қиёсатчилар, жамоат вакиллари ва журналистларга қарши босим ва репрессиялар ташкил этиш айблари қўйилди. Республика Бош прокуратораси «айборд» тамғасини босгач, депутатлар кўччилик овоз билан Алмазбек Атамбаевни Қиргизистон Республикасининг собиғи. Президенти имтиёзларидан маҳрум этиди. Баҳс нима билан яқун топши ноаник, ҳозир иш терговда. Аммо мустақилликка эришганидан бери мамлакат камиди иккита «рангли» инқилобни бошдан ўтказди. 30 йил ичидаги 29 мэртеба бош вазир алмашди. Бу қадар ҳукумат инқирозини дунёнинг хеч бир мамлакати бошдан ўтказмаган, десак, янгилишмайз. Боз устига, Қиргизистон Марказий Осиёнинг 30 йил ичидаги тўрт нафар Президенти алмашмаган мамлакат (улар орасида аёл Президент Роза Отумбаева ҳам бор), Аскар Ақаев ва Курманбек Бақиев мамлакатдан қочиб кетишига ва бошқа давлатлардан сиёсий бошпана сўрашга мажбур бўлишган. Уларнинг иккаласини ҳам даҳхлизлик мақомидан маҳрум этишган. Шубҳаиз, собиқ Президентнинг мамлакат сиёсий ҳаётига тасир кўрсатиш имконини берувчи мақомнинг сақлаб қолиниши, энг асосий, молиавий оқимларни назорат қилиш салоҳияти Шарқда ҳар доим хўш қабул килинвермайди. Шу сабаби собиқ Президент Атамбаев ва Сооронбай Жээнбеков ўртасидаги зиддият амалдаги давлат раҳбарининг президентликка номзод сифатида илгари сурилишидан бошлаб юзага қелиши башорат қилинаётганди. Аввалин даврларда Қиргизистон сиёсий тизимида президентлик лавозими деңгана коррупцион воситалар сифатида бойиб

мамлакатда бир неча газеталарнинг ёпилиши, ўнлаб журналистларнинг тазиий остига олиниши ёки ўлдирилиши, хорижий давлатларнинг маҳфаатларига хизмат қиласидан нодавлат нотижорат ташкилларнинг кундан кунга «болалётгани» демократия оролини қонунлар диктатурасидан холи маконга айлантириди. Натижада айрим маълумотларга қараганда, яширин иқтисадидинг ҳажми расмийсидан кўра 1,5 баробар ошиби кетган, саноат корхоналари деяри тўхтаган. Ярим миллиардлар ҳазинанинн даромад қисми хорижий ёрдам ва кредитлар ҳисобига копланётганди бир вазиятда 500 минг нафардан зиёд меҳнатла лаёқатли аҳоли хорижда меҳнат қилиб кун кечиришига мажбур бўляти.

ЖЭЭНБЕКОВНИНГ СИЁСИЙ МАЙДОНГА КИРИД КЕЛИШИ

Афсуски, мамлакат ўша масъулиятсиз сиёсат гирдобидан тўла қутула олгани йўқ. Хали қашшоқлашгандан қашшоқлашшиб боряпти. Бошқа томондан, Атамбаев ва Жээнбеков ўртасидаги зиддиятни Қиргизистон шимоли ва жануби ўртасидаги сиёсий элита ва кланларнинг давлат бошқаруви ва бизнес соҳасидаги рақобати деб ҳам тушунса бўлади. Эътибор берсак, Жээнбеков жанубдан чиққан кадр, Атамбаев эса шимоллик. Бир вақтлар шимоллик Аскар Ақаев жанублик Абсамат Масалиев ўрнини эгаллаган, 2005 йили Ақаевнинг ағдарилиши Курманбек Бақиев бошлик жанубий клан ҳокимиияти ўрнатилишига олиб келди. Бу бир-бирини чалиб йикитиш ўйини кимнингдир сиёсат майдонидан «қизил карточка» олиб чиқишига сабаб бўлаётган эса-да, халқ фаронлигига хизмат қиласидан йўқ. Бемақсад ва бемаврид курашлар кимларнингдир чўнгтагини қалпайтиришга хизмат қиласидан ёки ўтига, мамлакатнинг ташки қарзини вакт ўтгани сайнин ошиби бормоқда. 3,7 миллиард қарзининг тенг яридан кўпроғи XХР ҳиссасига тўғри келади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкини, сиёсат майдонига кимлар келишидан қатни назар, ҳаёт барипер давом этаверади. Шуниси аниқки, Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Қиргизистон ҳам бундан бўйи кўшни давлатлар билан алоқасини тобора мустаҳкамлар ўйлайдан боради. Чунки ўтган вақт кўп нарсани исботлади. Тўйида ҳам, азасида ҳам унинг ёнида елкама-елка турдиганлар, бу – кўшнилар.

Абдували СОИБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

Ўқув жараёни электрон бошқарилади

Олий таълимда «электрон деканат», «электрон журнал», «электрон доска» сингари замонавий тизимнинг кулагилари кўп. Уларнинг барчасини умумлаштирган яхлит дастур эса икки баробар кўпроқ фойдалидир. Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтуда ўтказилган семинар «Ҳарбий олий ўқув жараёнини электрон бошқариш» дастурининг тақдимотига бағишиланди.



Унда Қоролли Кучлар академияси, Чирчик олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим

юрти ўқув бўлими ходимлари, ҳарбий округлар ва ҳарбий қисмларнинг ҳарбий хизматчилари, курсантлар иштирок этди.

Янги автоматик мониторинг тизими ни амалиётга жорий этиш афзаликлари ва истиқболлари хусусида ҳам фикр юриттиди. Институтнинг илмий тадқиқотлар лабораториясида ишлаб чиқилган ушбу дастур дарс жадвали, баҳолаш мониторинги, ўқитувчилар учун, қисқа таътил рўйхати, қисқа таътил рўйхатини тузиш, нарядлар жадвали сингари қисмларни ўз ичига олган.

Институт бошлиги подполковник Ҳ. Мухиддиновнинг таъқидлашича, айни пайтда ишчи гурух аъзолари дастурни такомиллаштириш ўйлидаги фаолиятини давом этирмоқда. Шу нукта назардан тадбир иштирокчилари дастур бўйича тақлиф ва мулоҳазаларини билдири.

Ўқув жараёнини электрон бошқариш дастури таълим жараёнида коруюция ҳолатининг оддини олиш, ўзлаштирувчининг ҳаққоний баҳосини онлайн тарзда акс эттириш,

ўқув фаолиятининг шаффоғлигини таъминлашга хизмат қиласи, – дейди Қоролли Кучлар академияси ўқитувчи подполковник Баҳтиёр Тўрарев. – Ишчи гурух аъзоларига қатор тақлифларимизни илгари сурдик. Жумладан, Қоролли Кучларимизда ҳар бир ҳарбий хизматчи «Мен го-ли!» шиори остида ҳаракатланаётган бир пайтда дастурда «Ҳафтанинг энг яхши курсанти», «Ҳафтанинг энг яхши гурухи», «Ҳафтанинг энг яхши батальони» сингари статистик маълумотларни юритиш улар ўтрасида ўзаро соғлом рақобат мухитини мустаҳкамлайди.

Семинарда дастурдан узлуксиз фойдаланиш, конспектлар портфолиоси, электрон калит ва тармоқ хавфисизлиги масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Дилшод ШУҲРАТ ўғли

КЕКСАЛАРНИ ҚАДРЛАШ – ОНА ВАТАННИ ҚАДРЛАШ

Ангрен шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирига бир гурух нуронийлар ташриф буюрди.

Ташриф, деб расмий тус берадиганимиз бежиз эмас. Кекса отахонлар енг шимаруб, белни маҳкам боғлаб, Ватан ҳимоясидаги ўғлонлар билан халқ орасида маънавий кўприк вазифасини бажаришга киришишган экан.

Ҳарбий қисм командири подполковник Зиёд Ҳакимов билан биргаликда ўтказилган қисқа фурсатли мулокот давомида улар орасидан ҳарбий хизматчилар билан доимий ишловчи масъул танланди. У ҳам begona эмас – истеъфодаги подполковник Зафаржон Шоимматов.

Мехмонлар билан ҳарбий қисм бўйлаб экскурсия ўюнтирилди. Отахонларнинг қулоқча чалинадиган гап-сўзлари кишини ҳаяжонга солади, куч-куват бағишилайди: «Биз ҳам аслида аскарлармиз», дейди

«МАЪНАВИЙ КЎПРИК БЎЛАМИЗ», дейди ҳарбий қисмга келган нуронийлар

улардан бири. «Яна хизмат қилсанк бўлар экан», гапни улаб кетади иккинчиси.

– Келганимиз, ҳамкорлик кучайгани зўр бўлди. Энди маҳалладаги ёшларни олиб келаман. Тасаввурлари ўзариги, максадлари қатъйлашиши аниқ. Нега армияда бунча ютуқлар кўп, деб ўлаб юрадим. Йигитларнинг ватанпарварлигига яраша, шарт-шароитлар ҳам зўр экан, – дейди 8-март маҳалласи раиси Бахридин Хонаев.

Сайфуллоҳон Ҳошимовнинг сўзлари эса бир қарашда кишини кол килиади:

– Шу кўчадан машинада тез-тез ўтиб тураман. Э, шу «военнийлар» кўп жойни олиб кўйяпти-да, деган хаёлга ҳам борардим, очиши.



Мана бугун кириб, кўриб, фикр ва тасаввурларим батамом ўзгариб кетди. Бундан ўн йил илгари раҳматли онам билан ҳажга боргандим. Каъбатуллоҳни кўриб, шу жойларга етказганига шукр қилиб, қўзимга ёш келганди. Лоф эмас, ҳарбий қисм кутубхонасига кириб, у ердаги шинамлик, китоблар, шароитларни кўриб, яна

кўзимга севинч ёшлари келди, – дейди у.

Нуроний отахонлар ҳарбий қисм кутубхонаси, спорт зали, ошхонаси билан танишилар. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг амалий машгулотларига гувоҳ бўлишди. Ватан ҳимоячилари уларга артиллери якорларидан амалий отиш машгулотларига тайёргарлик жараёнини кўрсатиб бериши.

«Югурар замон, шиддати ўтади ҳар бир толамдан». Қаҳрамон шоиримиз Эркин Воҳидан ушбу сатрларни юрак-юракдан хис қилиб ёзганига шубҳа йўқ. Бугун ҳам фикри ўйғоқ, кўнгил кўзи очиқ ҳар инсон борки давр силсиласидаги ўзгаришлардан воқиғи. Ўз ўрни унга мутаносиб ҳаракат килиш тадоригида. Ҳарбий қисмлар, тинчлигимиз қалқонларининг жанговар тайёргарлиги билан танишган кексалар ҳам ҳарбий хизматчилар билан ҳамкорликда ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, миллӣ ғуруруни ошириш бўйича маҳаллалар, таълим муассасаларида таъсирчан тадбирлар ташкил этишяпти.

**Катта лейтенант
Азиз НОРҚУЛОВ**

Қўмондонлик шиори Эълон қилинди

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган обьектларни кўриқлаш қўшиналари қўмондонлигига «Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчидир» мавзууда маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда қўмондонлик тасарруфидаги кўшилма ва батальонлар командирлари, қўмондонлик бошқарув аппарати вакиллари ҳамда Юнусобод туманинг «Уста Ширин», «Мингчинор», «Янгириқ», «Увайсий», «Катта Ҳасанбой», «Ҳамкоробод» маҳалла фуқаролар йиғини раислари иштирок этди.

Тадбирда Тоифаланган обьектларни кўриқлаш қўшиналари қўмондони полковник Журъат Якубов давлатимиз раҳбарининг Ҳавфзислик кенгашининг кенгайтирилган йиғиниши ҳамда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаётномасида белгиланган устувор вазифалар хусусида тўхтади. Мудофаа вазирлиги миқёсида «Жанговар взвод йили» деб эълон ки-

линган жорий йилда барча мақсад-вазифаларни астойдил, бекаму кўст бажариш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, у Тоифаланган обьектларни кўриқлаш қўшиналари қўмондонлигининг янги ўқув йили учун «Давлатимизнинг иқтисодий муҳим обьектларини ишончли кўриқлаш – ватанпарвар, мард ва садоқатли фарзандларнинг бурчидир» шиори тасдиқланганини қайд этди.

– Армия ва ҳалқ яқдиллиги маҳаллалар фолиятида яққол акс этмоқда, – дейди Юнусобод туманинага «Катта Ҳасанбой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сабура Норметова. – Бугунги тадбирдан сўнг туман мудофаа ишлари бўйлами билан ҳамкорликда ҳарбийлар ва маҳалламиз ёшлари



лоқот ўтказишни мақсад қилдим. Бу эса давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш ташаббус ижроси, қолаверса, вояж етмаганлар ўтасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг оддини олишда мухим ўрин тутади.

Қўмондонликнинг 2019 йилда олиб борган фоалияти сарҳисоби тўғрисида видеоролик намойиш этилди. «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да тарбиявий ва мағфуравий ишлар органи офицерлари олдида турган долзарб масалалар хусусида фикр юриттиди.

Тадбир сўнгиди меҳмонларга китоблар тақдим этилди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»**

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан Президентимиз ташаббусига кўра, пойтахтимизнинг Олмазор туманида бунёд этилаётган «Ғалаба боғи» худудидаги музейни шакллантириш бўйича олиб борилаётган изланишлар давомида турли фронтларда ўзбек тилида нашр этилган газеталар ва фронтчи ижодкорлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар тўпламоқда.

Фронт газеталари олдинги марраларда очкўз ва ўта ваҳшӣ босқинчиларга карши шиддатли жанглар олиб бораётган жангчиларимизнинг доимий, ягона сұхбатдоши бўлганд. Ҳозиргача аникланган маълумотларга кўра, Иккинчи жаҳон уруши йилларида турли фронтларда ўзбек тилида 13 та фронт, 3 та дивизия газеталари чоп этилган.

Фронт газеталари жангчиларга ўз жанговар маҳоратларини такомиллаштириб бориши, ўтган жанглар тажрибасини ҳар томонлама ўғаниши ва бўлажан жангларга тайёргарлик кўриш, мураккаб жанговар техникини муввафқиятли ўзлаштиришга ёдам бериш, мамлакат ва дунёда рўй бербаётган воқеалар ҳақида маълумотлар берган.

Биринчи Болтиқ бўйи фронтida ташкил этилган ўзбек тилидаги «Душманга қарши олга!» газетаси таҳририятида Мумтоз Муҳамедов, Наби Юсуфий, Лутфилла Ҳамроев ва бошқалар хизмат қилган.

Бу фронтинг иккинчисида «Суворович», учинчисида «Ватан учун» газеталари чоп этилган. Бу газеталарда ҳам таникли журналистлар хизмат қилганлар.

...Бу мажлиси пахлавонлар мажлиси деса бўлади. Унда донги чиккан, ҳар бири юздан ошиқ немисни ўлдирган снайперлар, танк тешувчилар, кўп немис дзотларини портлатган довюрак жангчилар ийифлантир. Улар бирин-кетин чиқиб, ўзларининг қандай қилиб жанг ҳунарини ўрганганларни ва немис-фашист босқинчиларининг заволи бўлганларни ҳикоя қиласдилар. Уларнинг сўзларида мақтаниш йўқ, улар жанг санъатида қанча моҳир бўлсалар, сўзга шунча «хасис» кишилар. Улар ўзларининг барча жангчи ўртоқларини тинмай жанг билимини ўрганишга, ёвуз душманга қарши ботирлик билангина эмас, моҳирлик билан ҳам урушишга чақирадилар.

Сўз ўзбек йигити, снайпер А. Низомовга берилади. Ўрта бўйли, кора кўзли, юзи буғдоиранг, ўзи уятчан йигит – Низомов ўз она тилида сўзлайди.

– Мен 101 немисни ўлдиридим, – деди у.

Мажлис аҳли ўзбек тилини билмаса ҳам, машҳур снайпер Низомовнинг сўзига тушунади. Пахлавонлар ўзбек халқини, унинг ботир фарзанди Низомовни олишишадилар.

– Сийнамада қонҳўр фашистлардан ўч олиш ташналиги ҳали қонған эмас, – деди Низомов ўз сўзида давом этиб. – Мен ҳали яна кўп немисни ўлдираман, сўнгги нафасимгacha бу номуссиз босмачи қотиллар билан олишаман!..

БИР ҚЎЛДА ҚУРОЛ-У, БИР ҚЎЛДА ҚАЛАМ



Қодиров, Учинчисидаги «Совет жангчиси»да ҳам таникли ёзувчи ва журналистларимиз хизмат қилганлар.

Узок Шарқ фронтидаги ўзбек тилида «Бонг» газетаси чиқкан. Бундан ташкири дивизия ва корпусларда ҳам ўзбек тилида газеталар нашр этилган.

Фронт газеталарида ишлаган катта ёзувчиларимиз Мирзакалон Исмоилий, Назир Сафаров, Зиннат Фатхуллин, Иброҳим Раҳим, Мумтоз Муҳамедов, Адҳам Раҳмат, Адҳам Ҳамдам ва бошқалар ўзбек жангчи баҳодирларининг мардлик фазилатларини ёритишида ёш қалам соҳибларига намуна бўлганлар. Улар шиддатли жанглар бораётган жойларда, қорли оқолларда, қалин ўрмонларда, ботқоқларда, разведка сўқмоқларида, отишмалар авжаг кирган вайронга шаҳар ва қишлоқларда, жанг тақдирли ҳал бўлаётган майдонларда жангчиларимиз билан бирга бўлган, уларнинг жасорати, фидойиллакларидаги ёзган. Бундай жойларда фақат қалам билангина эмас, балки қўлларда кирган қурол олиб, оловли жангларга ҳам кирган.

Назир Сафаровнинг «Ўзбек фарзандлари», «Сўнгги нафасгача», «Жангчи қизлар» ва бошқа очерклари жанг майдонларida ёзилган. Зиннат Фатхуллин очерк ёзиш учун алоқа батальонига боради. Батальон командори капитан Аҳмад Бобоҷонга учраган вақтда фашистлар қарши ҳамлага ўтиб қоладилар. Фатхуллин Аҳмад Бобоҷон батальони билан бирга ёв ҳужумини қайтаришида иштирок этади. Мотоўқчи рота командори наманганлик Мамасали Жабборов Орёл ва Польша ерларида олиб бор-

ган жанглари вақтида Мирзакалон Исмоилий у билан учрашиб, қаҳрамон ҳақида очерклар ёзган. Бошқа журналистларимиз хизмат қилганлар. Марди майдонларимиз билан бирга бўлиб, жанговар воқеалар тўғрисида мухим лавҳалар, очерклар ёзганлар. Уларнинг фронт очерклари, шеърлари урушдан кейин Тошкентда нашр этилган «Мардлик қиссалари», «Жанговар саҳифалар» ва бошқа тўпламларда жамланган.

Фронт газеталари ва унинг тўлиқ тахламлари, фронтчи ижодкорлар ҳақида маълумотлар ҳозирча тугал эмас. Айни пайтгача «Ватан учун», «Ватан шарафи учун», «Бонг», «Совет жангчиси», «Суворович», «Фронт ҳақиқати», «Қизил аскар ҳақиқати», «Қизил аскар», «Қизил армия», «Душманга қарши олга», «Суворов натиски», «Душманни тор-мор этишга» каби фронт газеталари ҳақида кисқача маълумотлар ва уларнинг айрим саҳифалари топилди.

Газетанинг қолган сонлари хориж давлатлари, жумладан Россия, Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи Республикалари архиви фондларида, уларнинг ҳарбий архивларида ёки музейларида сақланётган бўлиши мумкин. Қолаверса, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларининг ҳамда шу газета мухаррирлари ва уларнинг ўринбосарлари, фаол мубхирлари шахсий архивларида сақланётган қолган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Хуллас, бу борада келажакда тадқиқот-қидирив ишлари олиб борилади, деган умиддамиз.

Зуҳра ТЎРАҚУЛОВА,
ўқитувчи

Уруш йилларида ўзбек тилида 13 та фронт, 3 та дивизия газеталари чоп этилган

СНАЙПЕР НИЗОМОВ

Унинг ўти очиши позицияси хилват ўрмон этагида, ботқоқлик бўйида. Позиция битта эмас, бешта. Ҳаммаси яхши маскировка қилинган. Низомов ҳар куни «ов»га чиқади. Душманга панд бериш учун Низомов бир позициядан ўти очиб фрицини ўлдиригач, дарров иккинчи позицияга, иккинчисидан учинчисига ўтиб олади. Газабланган душман эса бўш жойга ўтади...

Низомов хеч зерикмай душман томон кўз тикиб фрициларнинг пайдо бўлишини пойлайди. Моҳир снайпер ҳар бир кўриганди фрицини отиб йиқитади. 101 немис – бу ҳазил гап эмас!

Ўз Ватанини беҳад севувчи, унинг душманларини ғазаб билан, баҳодирлик билан киручи Низомов снайперлик санъатини яхши ўрганиши учун ҳар бир бўш минунтини сарфлаб мардларча ҳаракат қилди. Натижада фронтимизнинг энг аъло мерғанлари каторига кирди.

Кунларнинг бирорида Низомов ўти позициясида ўтиб душманни пойлар эди. Бир фриц патрон яшигини кўтариби, ўйлдан ўтаётган эди. Низомов роса чоғлаб кельмоқчи бўлган яна икки фрицини «дорилбақо»га юборди. Шулардан бирни офицер.

Низомов тез бошқа позицияга ўтиди-да, яна ўйлдан кўзини узмай пойлаб ётди. Ҳалиги фрицининг ўлигини ёки унинг ёнидаги патрон яшигини олиб кетиши учун бўлса керак, иккинчи фриц эмаклаб унга яқинлашмоқчи бўлди. Низомов бу фрицини ҳам бир ўк билан отиб ўлдириди. Ўлдирилганлар олдига эмаклаб кельмоқчи бўлган яна икки фрицини «дорилбақо»га юборди. Шулардан бирни офицер.

Низомовнинг бир неча шогирдлари бор. У ҳар куни шогирдларидан бирини ўзи билан бирга «ов»га олиб чиқади, ҳақиқий жангда уларнинг снайперлик таълимими оширади.

...Бу гал Низомов ўз шогирди снайпер Костенко билан «ов»га чиқади. Ҳар иккиси пистирма бўлиб, душманни пойлаб ётдиilar. Тўсатдан бир немис офицери кўриниб қолди. У траншея бўйлаб юра бошлиди.

– От! – деди Низомов Костенко.

Костенко чоғлаб туриб ўқ узди, лекин унинг ўқи хато кетди. Офицер тўппончасини чиқариб, милити товуши чиқкан томонга қараб ота бошлиди. Немис пулемётчиларининг ҳам «ғайратлари ошиб», дзотлардан ўк ёмғирини ёғидра бошлидилар. Бизнинг снайперлар бошқа позицияга ўтиб олиб, жим ётдиilar. Немислар бир ҳанча пулемёт ленталарини бўшшаттач, ўти очишадан тўхтадилар. Офицер ҳам:

«Снайперларининг адабини бердим», деб ўйлади, шекилли, хурсандлик табассуми билан тўппончасини гилога солиб кўйди. Шу пайтнинг ўзида Низомовнинг мерғанларча узган ўқи мағрур офицерни ағдариди ташлади. Офицер қайта ўрнидан турмади.

Қаҳрамон ўзбек Низомов ўлдириган немисларининг сони кундан-кунга ошмоқда.

Капитан С. УЛУҒЗОДА

«Ватан учун» газетаси, 1942 йил 6 декабрь, 11-сонидан. Гарби-шимолий фронт



HARBIY JURNALISTIKA

O'zbekiston jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universiteti
Harbiy jurnalistika yo'nalishi talabalari ijodidan namunalar

QAYTAR TILAKLAR

Telefon qisqa jiringladi.

Hoynahoy, bayram munosabati bilan yo'llangan tabrik bo'lsa kerak.

Adashmabman. O'qisam, sal oldin Malikaga yuborgan SMSni Dildora o'zimga jo'natibdi! Aynan o'sha xabar, faqat ism o'zgargan, xolos.

Biror bayram yoki tug'ilgan kun munosabati bilan yaqinlarimni birinch bo'lib qutlashga shoshilanam. Har bir insonga o'ziga xos, qiziqishidan kelib chiqqan holda tabrik yo'llashga harakat qilaman. Shunday qiziq holatlar bo'ladi, yozgan qutlovlarni aslicha aylanib, o'zimga qaytib keladi.

Samimi tabrik yoki bir og'iz shirin so'z orqali kimningdir ko'nglini ko'tarish uchun boshqalarning so'zidan foydalanish shartmi?

Bolalligimda buvum, bobomning do'stlariga

yo'llagan maktublarini ko'hna sandiqchadan olib o'qirdim. Qaysidir do'stiga yozilgan tilaklar boshqasida takrorlanmasdi. Hozir qo'limizda uyal aloqa, maktub yozib ovora bo'lmaymiz. Shunchaki tayyor SMS jo'natamiz. Erinbgina yozilgan xatabarimiz 4 qatorga yetadi yoki yo'q. Hatto shablon tusidagi robot-xabarlardan mosini jo'natish uchun ayni kezda atigi bir-ikki harakat kifoya.

Ba'zan qaysidir bayramga atalgani she'rnинг so'nggi qatorini o'zgartirib, keyingi ayyomda yuboramiz. Shamchiroq yorug'iда ikki-uch varaqlab noma yozishga erinmagan yoshi ulug'larimiz uchun bu usullar mutlaqo yot. Zamonaevi texnikalar egallagan hayotimizda mehr-oqibat arzonlashdimi?!

Nafosat OLMOSOVA

NAVOIYNING FARZANDLARI

So'z mulkinining sohibjahoni Alisher Navoiy haqida gapirganda, butun umrini xalq uchun bag'ishlagan fidoyi siymo ko'z oldimizda gavdalanimi. Tarixiy manbalarga murojaat etsak, Navoiy shaxsisi hayoti va manfaatini tamomila esdan chiqarib, borlig'ini o'zgalar uchun baxshida etganining guvohi bo'lamiz.

Navoiyshunos olim Muhammadjon Mahmudning «Navoiy hayoti va ijodiga yangi qarash» risolasida keltirilishicha, Navoiyning o'z pushti kamaridan farzandi bo'l'magan. Ammo ulug' davlat arbobining farzand sifatida qabul qilin shogirdlari bo'lgan ekan.

Hoji Muhammad Navoiy xonadonida uning eng suyukli farzandi va bilmidon shogirdi sifatida g'oyat qadrlangan. Sho'r uni bir kun ko'rmasa, sog'inib, betoqat bo'lgan. U harbiy xizmatda bo'lganda, sho'r saroyni tark etib, sahroda yashagan. Ig'vogarlar ko'p bora ularning orasiga nifoq solishga urinishgan. Hoji Muhammad bevaqt qavof etganda, Navoiy qattiq qayg'uradi.

Mir Ibrohim. Ulug' mutafakkir Hoji

Muhammadso'n bor e'tiborini unga qaratagan. «Majolis un-nafois»da mir Ibrohim haqida «o'g'ilchilay (o'g'ilchaday) asrabmen», deya qisqa ma'lumot berib, u shogirdi va jiyani Sultan Husayn Xatmiyning o'g'li ekanligini ta'kidlagan. Navoiy uning ma'naviy va jismoni kamolotiga alohida e'tibor qaratadi. Tariqat va uning maktablariga qarshi bo'lgan mutaassiblar turli fitnalar bilan mir Ibrohimni shoirdan sovutishga harakat qilishadi. U ustozining pokligiga ishonsa ham, quruq tuhmatlarga chiday olmay, mayga ruju qo'yadi. Sho'r Astrobod safaridan qaytganda, Ibrohimning ichkilklikka batamor ruju qo'yanini ko'rib, bundan ko'ra, agar yana Astrobod tomon yo'l olsam, meni yo'lda Mozandaron devlari qatl etsin, deya ranjib, o'kinadi.

Sho'r o'z shogirdlariga mehribon ota sifatida g'amxo'r bo'lgan. Yana aytish lozimki, Navoiy butun xalqning kuyunchak padari edi. U xalq dardiga darmon izlagan buyuk tabib, millat dahosidir.

Kamola ADHAMOVA

VATANIMNI SEVAMAN, AMMO...

Oilada o'g'il farzand dunyoga keldi. Xalqimizning birinchi aytar so'zi, shubhasiz, «Vatan himoyachisi tug'ilid!» bo'ladi. Darhaqiqat, shunday. Bu fikrga shuni qo'shimcha qilamiz: ona yurt kelajagi uchun barchamiz mas'ulmiz! Men nega aynan bu gaplarni aytayman? Javobni quyidagi misollar orqali bilib olasiz:

1. O'z bolasini sotish. Qog'ozga almashtirish. Arzimanlar bi siqim pulga.

2. Bolalar uyi. Birinchi so'zni yoqtiraman. Soflik timsoli ular. Taassufki, qaysi mehribonlik oshyoni tomon bormaylik to'la... buyuk

orzularga, ko'z yoshlarga va ko'ngli yarimlarga. 3. Muruvvat darvozasi. Farishtalar maskani. Bu yerdagi otaxonlarni otamga, buvijonlarni onamga qiyoslayman. Mehribonlarimni tashlab ketibman. Insonda bitta ota-ona bo'ladi. Menda esa ko'proq. Nima qilay? Etni tirnoqdan ajratib bo'ladimi?!

«Vatanim uchuni!» deb ko'krak keramiz. Tavba qildim-u, «O'zim uchun!» deganimizda, o'riniroq bo'lardi. Agar yurtimga deb ozgina qo'l cho'zanimizda edi, yuqorida dardlar qalqib chiqmasdi.

Abror PAYANOV

ISTIG'FOR AYTGAN «TILLAR»

Havo sovuq, shunga qaramay, insonlar maqsadlari tomon oshiqyapti. Men ham o'qishga ertaroq boray, deb bekatga shoshaman. E'tiborimni ro'mollari yarashgan, qo'llarida tasbeh, yuzlarida nuri bor ayol tortdi. Ko'nglimga tugib qo'ydim: «Avtobus kelsa, agar joy topa olsam, shu ayolni o'tqizaman». Nihoyat, men kutgan avtobus keldi. Xayriyat, joy bor. Ayolni chaqirdim:

- Assalomu alaykum, opa, keling, o'tiring, mana, joy bor.

Shu vaqt u duo o'qishdan to'xtab:

- Vaalaykum assalom, singlim. Rahmat joy uchun, - deya o'tirdi.

Avtobus joyidan qo'zg'aldi. Haligi ayol duo

o'qishda, tasbeh aylantirishda davom etdi. Men esa yana xayol sura boshladim. Ammo nimadir sabab bo'ldi-yu, menga farishatdek ko'ringan ayol kim bilandir tortishgani o'sha xayollarimni uchirib yubordi. Nahotki, istig'for aytgan lablardan shunday musulmon-muslimaga yarashmaydigan so'zlar chiqsa?! Yo alhazar... Ko'rinishi ajdarhodek, og'zidan xuddi olov purkayotgan edi. Uning bu «olovi» avtobus ichidagilar kayfiyatiga ta'sir qilmay qolmadidi. Eng achinarli, asabi buzilgan kattalar safida go'daklar, yoshlar ham bor edi. Men havas qilgan bu ayolga nima bo'ldi? Xulosa o'zingizdan.

Ilmira TOSHPO'LATOVA

ХАБАРЛАР

ИККИ БЮОК ДАҲО, БЮОК ШОИР

Чингиз РАЙМЕРДИЕВ сурʼатга оғлан



Turkij millatning donishi shari kўп, daʼxolari kўп. Millatning mana shunday buyuklariidan ikki ulug' shoir, ikki davlat arbobi, ikki olim mir Alisher Navoiy va Zaxiriidan Muhammed Bobur tavallud sanalari harbiy kism va muassasalarida xam keng niшонланди.

«Олис юлдуз шуъла таратар» мавзуидаги тадбир Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари давлат музеида бўлиб ўтди.

Tadbirda Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Navoiy nomidagi давлат adabiёт museyining ilmish xodimi, filologiya fanlari nomidagi Yu'suf Tursunov, Mudoafa vazirligi Fakhrialar marказий кенгашa аъзолари, Maxsus avoria tikaлаш бошқармасининг «Импульс» ансамбли хонандалари, Ўзбекистон давлат санат va madаният инститuti talaabalari, Тошкент тибиёт akademiyasi xuzuridagi Харбий-тибиёт факультети офицер ва kursantlari, «Турон» давлат ҳарбий teatri aktёrlari, Kуролли Кучлар Marказiy ashula va raq's ansamblari xonanda va raq'sosalar iштирок эти.

Икки буюк ijodkor va давлат arbobi ҳақидаги кизиклari маърузалар, fазалларга bastalangan kуй-кўшиклар, жозибадор raqslar, monolog va mušoira сўнгida Kуролли Кучлар давлат museyi direktori Musalim Nuriiddinov ўзига xos bайрам kechasini fayzli ўтказиша яқиндан ёрдам берганlara minnatdorchilik bildirdi.

Зулфия НОСИРОВА

ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ



Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучlari давлат museyida Toшkent ҳарбий prokuratorasi tashabbusi bilan «Йўл транспорти билан боғлиқ хукуқбузлар» va жиноятлар юзасidan tergovga қадар tekshiruv amaliga oshiruvchi organ mansabдор шахslari hamda suri shiuruvchilari iштирок эти.

Tadbirda Ўзбекистон Республикаси Mudoafa va Ichki ishlar vazirliklari, Milliye gvardiya-ning Toшkent ҳarbий okrugi xududiда жойлашgan ҳarbий kism va muassasalarida tergovga қадар tekshiruv amaliga oshiruvchi organ mansabдор шахslari hamda suri shiuruvchilari iштирок эти. Ўқув машғулотida сўзга чиқсанlar йўllarda tansport ҳodisalar va avtoxalokatlarining oлдинi olish, жамоат tarbiyini saqlash, йўл қoидalari buzilishi natijasida юз berætgan kўngilgsiz ҳodisalarining oлдинi olish xususida сўзга yuritdilar.

Нозима МАМАТОВА

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида «Психология фанида назария ва амалиёт йўғунлиги» мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги академияси, Ўзбекистон Миллий университети вакиллари, психолог ва социологлар, курсантлар иштирок этди.

ПСИХОЛОГ ВА СОЦИОЛОГНИНГ ФАОЛИЯТ АЛГОРИТМИ қандай бўлиши керак?



Соржант Олим БЕРДИЕВ сурʼатга олган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августандаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-мавжудий савиисини ошириш тизимини тубдан такомиллашириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмлари ва алоҳида баталонларда «ҳарбий психолог» лавозимлари, ҳарбий округлар бошқарув аппаратларида «психолог», «етакчи социолог» лавозимлари жорий этилди. Уларнинг бир йиллик фаолияти таҳлили ва келгуси вазифаларга бағишлиланган анжуман қизғин фикр-мулоҳазаларга бой бўлди.

Анжуманни Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти Гуманитар фанлар кафедраси бошлиғи полковник Шуҳрат Холмуҳамедов кириш сўзи билан очди. Шундан кейин ушбу олий ҳарбий таълим муассасасининг педагогика ва психология цикли доценти Чори Насриддинов қисқача маъруза қилиб, анжуман иштирокчиларiga қўйидаги саволлар билан мурожаат этди:

— Ҳарбий психолог ва етакчи социологлар Қуролли Кучлар тизимида ўз ўрнини топиши учун нима қилиш керак? Армияда шаклланган анъана ва установкаларни енгиб ўтиш осонми? Турли хил тестларнинг ишончлилик даражаси бизни қониқтирадими? Ҳарбий хизматда романтика

мавжудми? Командир ҳамиша қаттиққўл бўлиши, шахсий таркиб ундан кўркиши керакми? Психолог ва социологларнинг фикри нима учун фақат тавсиявий характерга эга? Уларнинг шахсий хусусиятлари нималардан иборат бўлиши лозим? Иш, фаолият алгоритми қандай ва у нималарни ўтича олади?

Бу саволларга нотиқнинг ўзи жавоб беради экан, аввало соҳа муаммоларини ўрганиб, таҳлил киладиган марказ ёки лаборатория ташкил қилиш, баъзи бир мавжуд установкаларнинг ҳарбий хизмат жозигандорлигига салбий таъсир қилаётгани, ҳарбийларда белгиланган тартиб-коидаларга бўйсунувчанлик билан бирга шахсиятни ривожлантириш, мутахассисларда ижодий тафаккур, кенг дунёкараш, ишонтира олишлаёкати, нотиқлик каби хислатларни ўйғотишга йигилганлар эътиборини қаратди. Соҳада назария ва амалиёт йўғунлигини таъминлаш, йилнинг белгиланган даврида ҳарбий қисмлардан бирида бир кунлик ўқув-амалий семинарларини, олий ҳарбий таълим муассасаси кафедраси негизида психолог ва социологларнинг бир ҳафталик ўқувлалини ташкил этиш, зарур ўқув кўлланмалари ва дарсларни ятиши таклифларини билдири.

Ҳарбий хизматчининг фаолияти асосан жанговар тайёргарлик машғулотлари, ҳарбий ҳаракат-

лар вақтида муҳим топшириқни йўқотишсиз тўлақонли бажариш билан характерланади. Бу жараёнларда ахлоқий-руҳий таъминот унсурлари, яъни ғалабага интилиш, мардлик, довюраклик, ташаббускорлик, жанговар шароитдаги руҳий (психологик) таъсирларга берилмаслик, ҳар қандай хавф-хатар, машаққат

бошқариш усуллари, шахслардо муносабатлари, ҳарбий хизматчиларнинг бўлинмасидан қониқиши даражасини аниқлаш мақсадидаги ҳарбий-социологик ва касбий-психологик тадқиқотлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Ўзбекистон Миллий универси-



тети Социология кафедраси мудири, социология фанлари номзоди, профессор Комилжон Калонов ўз сўзида Ўзбекистонда социология фанининг ривожланиш босқичи, ҳарбий социологиянинг ҳолати ва унга зарурат ҳақида гапирди.

— «Социология» атамаси бугунги мулоҳазакор ўқувчи учун мамлакатимизда таниш иборага айланб үлгурди. Биринчидан, у олий таълимга ихтисослашган барча муассасаларда ўқитилмоқда, иккинчидан, ОАВ, хусусан интернет сайтларининг аксарият хабарлари «социологик тадқиқот натижаларига кўра», деган жумла билан асосланмоқда. Шу маънода таклифим шуки, Мудофаа вазирлигига социологик тадқиқот маркази бўлиши керак. Мунтазам иш олиб бориладиган бу марказда оддий аскарлар, сержантлар, кичик офицерлар ва катта офицерлар ижтимоий қиёфасини ўрганиш бирламчи бўлиши керак. Психология фани диагноз қўйса, социология прогноз қиласди, демак, бу икки соҳа бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда ишга киришиши керак. Ҳар иккиси ҳам жамиятнинг социал тузилмаси, тараққиёт қонуниятлари, инсонларнинг хулқ-атворини тадқиқ этади. Мен ҳозирги Миллий гвардия институтида 1998 йилларда дарс берганман. Орадан йигирма йил ўтиб, яқинда ушбу олий ҳарбий таълим муассасасида бўлиб, ҳарбий кийим ичидаги интеллектни кўрдим. Демак, ҳарбийлар ҳаётига ҳам интеллект кириб келяпти, бу ҳолатда серияли, мунтазам социологик тадқиқотларни тўғри йўлга қўйсак ва унинг натижаларини таҳлил қила билсан, кўзланган мақсадларга эришиш осон бўлади, – дейди профессор Комилжон Калонов.

Анжуман якунидаги кўрилган масалалар, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар бўйича тегишли хуносалар қилинди. Энг муҳими, соҳани ривожлантириш, мавжуд муаммоларга биргаликда ечим тошишга келишиб олинди.

**Фурқат ЭРГАШЕВ,
«Vatanparvar»**

ВАТАНПАРВАРЛИК – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ!

ТАРГИБОТ АҚЦИЯСЫ - ЯҢГИҚАЗҒАН ОВУЛИДА

Харбий хизматчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат ватанпарварлик таргиботи гурху томонидан амалга оширилаётган акция бу гал Навоий вилояти тасарруфидаги Конимек туманининг олис ва чекка Яңгиқазған овудида ташкил этилди.



Овулга кириб борарканимиз, бу сафар ҳам ҳар доимигдек қарвонни биринчи бўлиб кичкунтойлар қарши олиши. Овул ахли шу ердаги 5-умумтаълим мактаби стадионига тўпланишган. Уларнинг рўйрасида хизматни дўндириб қўйиб, бугун ҳақли равишда пенсия гаштини суроғтган фахрийлар кўр тўкиб ўтиришибди. Юкори синф ўқувчилири ташкилий ишларда устозларига кўмаклашмоқда.

Майдонга гулдурос қарсаклар остида жанговар мусики ижорси билан Навоий вилоятida жойлашган Ички ишлар вазирлиги Қоровул кўшиналарига қарали ҳарбий қисм ҳарбий оркестри чиқиб келди.

Дилларга ҳаяжон, фурур ва ифтихор бағишилаб миљий мадҳиямиз янгради.

Мудофаа вазирлиги масъул офицери полковник Ҳасан Халилов, Қуролли Кучлар фахрийси, истеъфодаги подполковник Аббос Каримов, Конимех тумани ҳокимининг ўринbosari, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Кунсулув Норбоева, Навоий вилоятни мудофаа ишлари бошқармаси чакирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлими бошлини подполковник Муҳаммаджон Шерматов, муддатли ҳарбий

хизматчи Камолиддин Рўзматов, «Мард ўлон» давлат мукофоти соҳиби, Кармана туманинага 4-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Иброҳим Гаффоров ва бошқалар сўзга чиқиб, тадбир юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билидириши.

Камолиддин Рўзматов ва Иброҳим Гаффоров ўз ижод намуналиридан, шунингдек, мактаб ўқувчилари ёд олган шеърларидан намуналар ўқиб бериши.

Жанговар санъатга оид кўргазмали чиқишилар Навоий шахридаги Мудофаа вазирлиги қарашли Тоифланган обьектларни кўриқлаш кўшиналарининг ҳарбий қисмларида ўз бурчини адо этаётган муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан намоиш этилди.

Ҳарбий хизматчилар ва овулнинг бўз йигитлари ўртасида уюштирилган арқон тортиш мусобақаси томошабинларнинг қизгин қўллаб-куватлаши ва ҳайқириклар остида кечди. Катталагра тақлидан мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари ҳам жамоаларга бўлинниб, арқон тортиш бўйича бахслаша кетдилар. Ҳа, ҳарбий-ватанпарварлик туйғулари бўй кўрсатиб, куртаклап ниш ура бошланинни англатарди, бу манзара. Таргифчилик уларга ва мактаб кутубхонасига бадий китоблар совга килиши.

Шундан сўнг курол-аслаҳалар кўргазмаси на-мойши этилди. Ёшлар куролларни қўлларида тутиб суратда тушдилар ҳамда ҳарбий аслаҳалар бўйича ўзларни кизиқтириган саволларга ҳарбий хизматчилардан жавоб олиши.

Тадбир давомида ҳарбий хизматчилар томонидан овулдаги кам таъминланган, ёрдамга муҳтоҷ оиласарни ҳолидан ҳабар олини ҳамда уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди.

Подполковник Ёшин ҲАКИМОВ

МУЛОҲАЗА

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ НОТИҚ БЎЛИШИ ШАРТМИ?

Алишер Навоий ўзининг «Насойим ул-муҳаббат» асарида комил инсонга хос фазилатларни санаб ўтар экан, ҳатто фарзандлари, хизматкорларига кўпоплик қилмаслик, чучук тилли бўлиш – яхши, мулойим мумомала қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Зотан, ширин қалом ҳар қандай мураккабликларни бартараф этувчи, тўхтаб қолган ишларни олдинга силжитувчи энг яхши воситадир.

Биламизки, ҳарбий хизмат қонун-қоидалари, қатъий тартиб-интизоми билан бошка соҳалардан ажralиб туради. Бу соҳада фидойилар, Ватаннинг жасоратли фарзандлари хизмат килади. Соҳанинг ўзига хос жиҳатларидан бири – унда куч ва ақл бирламчи аҳамият касб этиди. Шунингдек, нотиқчиликнинг ҳам ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. Минглаб жангчилар бажара олмаган ишларни ўз ишининг устаси бўлган, ишонтириш санъатини юқори даражада эгаллаган ширинсўз нотиқлар бажаргани тарихий мәълумотларда кетлирланган. «Килимич ўткир бўлса-да, ўйлаб қинидан чиқардим, ширинсўз айтиб, фанининг имон толомогига йўл очдим», деганида аллома бобомиз Амир Темур қанчалар ҳақ эди.

Шунини учун ҳам ҳарбий таълим мусассалари курсантларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига, шунингдек, мумомала маданиятини янада ривожлантириша алоҳида эътибор бериш лозим. Минг афсуски, бугун ҳарбий соҳада фаолият олиб бораётган ҳарбий хизматчиларда, курсантларда нутқ борасида бир қатор камчилик ва муаммолар кўзга ташланмоқда.

Биринчидан: улар ўз фикрини аниқ ва тушунали етказади;

иккинчидан: ҳарбий хизматчилар томонидан адабий тил қоидаларига риоя қилмаслик, нутқда шевага хос сўзларни кўп қўллаши;

учинчидан: сўзлаётган нутқида тингловчиларни ишонтириш, психологияк таъсир кўрсатишга эмас, балки кўр-кўрони бўйруқ бериш оҳангининг мавжудлиги;

тўртинчидан: омма олдида нутқ сўзлаётган ҳарбий хизматчи ҳаяжонини назорат қила олмаслик натижасида фикр-мулоҳазаларини ифодалашда муаммоларга дуч келиши ёки пала- partiш etkazishi;

бешинчидан: нафақат курсантларда, балки кўп-лаб ҳарбий хизматчилар нутқида овоз, оҳанг ва эмоцияниг ўмуман мавжуд эмаслиги.

Нима учун? Жавоби эса оддий – ҳарбий таълим мусассаларида маданияти ҳамда нотиқ-

лик санъатини ривожлантирадиган ўқув фанлари мавжуд эмас. Этика, эстетика каби фанларнинг ўқув соатлари кескин қисқариб, фалсафа фани таркибига кўшиб юборилган. Бунинг натижасида эса ҳарбий хизматчиларнинг, айниқса офицерларнинг саводхонлик даражаси, ўзларнинг эркин ва мустақил фикрини билдира олиш қобилиятини шакллантириш масаласи муаммога айланиб қолмоқда. Таъкидлаш жойизки, мумомала маданияти ва нотиқлик ҳақида етарлар тасаввурга эга бўлмаган ҳарбий хизматчи фаолиятида, айниқса ўз кўл остидаги шахсий таркиби гисбатан кўпол муносабатда бўлиш каби салбий иллатлар юзага келади.

Шундан келиб чиқиб, ушбу муаммоларнинг ечими сифатида қўйидагиларга алоҳида эътибор бериш мақсаддаг мувофиқ бўлади:

биринчидан: ҳарбий таълим мусассаларига қабул килинаётган курсантларнинг оғзаки ва ёзма фикрини эркин баён қила олини билан боғлиқ бўлган синон имтиҳонларини жорий этиш;

иккинчидан: ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида «Нотиқлик санъати» ёки «Нутқ маданияти» каби ўқув курсларини қайта ташкил этиш;

учинчидан: ҳарбий таълим мусассаларида ташкил олаётган курсантларнинг ўқув фаолияти давомида мажбурий бўлган илмий ва бадий китобларни ўқиши тизимини жорий қилиш. Бунда социологик тадқиқотлар ташкил этиш орқали энг яхши китоблар рўйхатини тузиш ҳамда ҳарбий таълим мусассаларининг кутубхоналарини ушбу адабиётлар билан ташкиллаш.

Зотан, биз бугун глобаллашув даврида яшаямиз. Глобаллашув даврининг энг ўткир куроли бу сўзdir. Undan тўғри ва оқилона фойдалана олган миллатина ўз келажаги хавфсизлигини ташкиллаш.

Подполковник Бобур РАЖАБОВ,
Чирчиқ олий танк қўмандонлик-муҳандислик
Билим юрти батальон командирининг ўринbosari

ХАБАРЛАР

АРМИЯ ОСТОНАСИ БИНОСИ

фойдаланишга топширилди



Хоразм вилояти мудофаа ишлари бошқармаси биноси капитал таъмидан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Бинонинг очилиши маросимида Хоразм вилояти ҳокими – ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Фарҳод Эрманов, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшиналари қўмандони полковник Дилшод Чориев, давлат ва жамоат ташкилларни вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этилди.

– Туман, шаҳар ва вилоят мудофаа ишлари бўлум ва бошқармалари армиянинг останаси хисобланади. Шундай экан, ёшларнинг армия ҳақидаги или таасуротлари айнан мана шударгоҳларда ўйғонади, демак, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ҳам шу жода шаклланади, – дейдай қўмандон.

Тадбирда бинони замонавий талаблар асосида таъмирлашда жонбозлик кўрсатган курувчи ташкилтота миннатдорлик изҳор этилиб, совғалар улашилди.

Бинода сафарбарлик ўқувларини ўтказиш учун алоҳида шароитлар яратилган. Спорт зали, ошхона, хизмат хоналари замонавий миллий дизайн асосида таъмирланади, жиҳозланди. Яна бир эътибори жиҳат – бошқарма биносининг биринчи қаватидаги жойлашган кутубхона музей ташкил этилган бўлиб, у ердан Иккинчи жаҳон урушида фронтда ва фронт ортида жонбозлик кўрсатсан юртдошларимиз ҳамда уларнинг жасорати акс этган адабиётлар, хоразмлик ҳаҳрамонлар ҳақида маълумотлар доскаси, фахрийлар ва уларнинг оила аъзолари томонидан музей фонди учун берилган орден ва медаллар, ўша йилларда фойдаланилган курол ва ҳарбий аслаҳалар, бошқарма ҳаётни ва тарихи акс этган экспонатлар ўрин олган.

ТЕМИР ЙЎЛ ОРҚАЛИ ТАШИШ МАШҚЛАРИ



Нукусда ҳарбий техника ва юкларни темир йўл ҳаракатин таркиби (вагон)га юклаш-тушириш бўйича амалий-кўргазмали машғулот ўтказилди.

Кўшиналарни бир нуқтадан иккинчи нуқтага кўйириб ўтиш, ҳарбий техника ва юкларни темир йўл вагонларига тўғри жойлаштириш, сақлаш ва олиб юришини ўргатиш мақсадидан ташкил этилган машғулотлар Нукус темир йўл бекати, шоҳобчаси ва аэропорти ҳарбий ҳаракатлар таркиби бўлими бошлиғи подполковник Баҳтиёр Қудратов раҳбарлигидаги ўтказилди. Машғулотларда тайинланган қоровул шахсий таркибининг мажхубияти, турли хил вазиятлардаги ҳаракатлари ва алоҳида хизмат ўташини бошқа аҳамиятли жиҳатлари ҳам намуна сифатида кўрсатиб ўтилди. «Ўзбекистон темир йўллари» акционерлик компанияси Кўнғирот минтақавий темир йўл узели, Нукус ва Тахиркўл бекати ходимлари йўл хужжатларини тўлдириш ҳамда темир йўл станцияларида тўхтати тартиби ҳақида маълумот берисиди.

Кўргазмали машғулотлар доирасидан зирхли техника ва автомобилларни платформалар орқали вагонларга юклаш-тушириш, уларнинг жойлашув мустаҳкамлиги, техникаларни ташишида ниқоблаш ишларини ташкил этиш каби вазифалар бажарилди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

ХАВАРПАР

УРУШ ФАХРИЙСИ
БИЛАН УЧРАШУВ



Марказий ҳарбий округда хизмат қилаётган бир гурӯҳ ҳарбий хизматчилар тумандаги 56-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилари, мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари, туман мудофаа ишлари бўлими ходимлари билан биргалиқда Каттакўрғон тумани Муртак кишлогида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси 96 ёшли Рауп бобо Санакулов хонадонида бўлдилар. Бобонинг суронли йиллар хотиралари билан боғлиқ ҳикоялари ёшларни бефарқ қолдирмади.

Улар бобога эсадлик совғаларни топширилар.

Рауп бобо 1944 йилнинг ёзида урушуга сафарбар этилди ва 1-Белоруссия фронти таркибида Белоруссия, Польша ва Кенингсберг (хозирги Калининград)ни озод килишда ўз хиссасини кўшиди. 298-ўчи полк таркибида жангларда қатнашган Рауп Санакулов ўз куролдошлари билан ғалабани Берлин остоналарида кутиб олди. Кўрсатган жасорати ва қаҳрамонликлари учун катор орден ва медаллар билан тақдирланди.

Урӯздан кейин Польшада ҳарбий билим юртни тутатиб, 1951 йилга қадар авиация полкидаги хизматни давом эттирган. 1951 йил ўз юртига қайтиб келган Рауп бобо аввалига техникумда, кейинчалик Самарқанд давлат университетидаги ўқиди. Узок йиллар давомида ёшларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ берди.

Турмуш ўртоғи Муқумтош ая билан 8 нафар фарзандни тарбиялаб, вояғи етказган Рауп Санакулов хозирги кунда 30 дан ортиқ невара ва 50 дан ортиқ чевараларнинг севимли бобоси.

Асрор РЎЗИБОЕВ

АЛЛОМАЛАРГА ЭҲТИРОМ

Андижон вилоятida жойлашган Давлат ҳаффизни хизмати. Чегара кўшинларига қаралиши ҳарбий қисмларнинг бирида Ватан сарҳадларини кўриклиётган юрт ўғлонлари буюк алломаларимиз Алишер Навоий ҳамда Захирiddin Муҳаммад Бобур таваллуд куни муносабати билан ўзга яқин аспарлардан иборат китоблар жамланмасини Кўргонтепа тумандаги 24-умумтаълим мактаби ўқувчиларига тақдим қилдилар.

Мактаб ўқувчиларининг адабий чиқиши, ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романни ва бошқа аспарлари бўйича ўқилган маърузалар тадбирга ўзгача руҳ бағишида.

Фаол ўқувчиларга Пиримқул Қодиров, Тохир Малик, Марслен Брион каби адабларнинг аспарлари совға қилинди.

Сержант Музаффар ТИЛЯВОВ

ШОХ, ШОИР ВА САРКАРДА

Улуғ бобокалонимиз Бобурийлар сулоласи асосчиси Захирiddin Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллиги муносабати билан юкори синф ўқувчилари учун «Барҳаёт сиймо» мавзуида маънавият соати ташкил қилинди.

Захирiddin Муҳаммад Бобур нафқат шоир, балки давлат арбоби, моҳир саркарда ва тарихчи олим ҳамдир. У ҳадда ёзилган манбаларда адолатли, фуқароларнинг ташвишларига ҳамдардлик кўрсата олган саховатпеша ҳукмдор бўлганинги ҳақида тарихи манбаларда кўплаб мисоллар келтирилган. Маънавият соатида ҳам шоирнинг адабий фаолияти, шоҳ сифатида олиб борган сиёсати ҳақида батағсил маълумот берилди. Ўқувчилар томонидан шоир қаламига мансуб шеър ва фазаллардан парчалар ўқилди.

**Мехринисо МАМАТҚУЛОВА,
Сирдарё вилояти, Холос тумандаги
5-умумтаълим мактаби ўқитувчisi**

БЕШ ТАШАББУС – БЕБАҲО ИМКОНИЯТ

ҲАРБИЙЛАР МАКТАБ ОЧИЛИШИДА

„ Тошкент вилояти Пскент туманидаги Сувти маҳалласида ўз тарихига эга, республикамизнинг барча соҳаларида илгор меҳнат қилаётган етук мутахассис кадрларни учирма қилган 18-умумтаълим мактаби бор. Мактаб маҳалланинг четроғида жойлашгани кейинги пайтларда ўқувчи ва ўқитувчилар учун бироз ноқулайлик түғдираётган эди.

Мутасадилар бу ноқулайликнинг ҳам самарали ечимини топди. Яъни маҳаллада яна бир янги мактаб бунёд этилди. Мактаб-ку қуриб битказилди, энди унинг тантанали очилиш маросимини ўтказиш керак. Бу борада ҳам жамоа ва маҳалла ахлининг ақл-фаросатига таҳсис айтиш керак. Улар шундай ҳайрли ишни Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларига ишониб топширилди. Бугунги кунда она Ватан ҳимоясига камарбаста бўлиб хизмат қилаётган подполковник Ҳожиакбар Мадалиев айнан мана шу маҳаллада вояға етган. 18-умумтаълим мактабида ўқиган. У бир неча сафдошлари билан тадбирга бош-кosh бўлди.

Шундай қилиб тумандаги янги мактаб катта тантаналар билан очилди. Қуролли Кучлар ака-

демияси ҳарбий оркестри томонидан чалинган куй-қўшиклар бутун маҳаллани тутди.

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган обьектларни кўриклиш кўшинлари кўмандонлигининг тарбиявий ва мағкуравий ишлар бошқармаси бошлиги подполковни Ислом Орзиқулов бошлигидаги бир гурӯҳ ҳарбий хизматчилар томонидан мактаб кутубхонасига китоблар жамланмаси тақдим этилди. Расмий тадбир ҳарбийлар билан самимий сұхбатга уланди.

* * *

Куннинг иккинчи яримда «Беш ташабbus мактабимизда» номли тадбирда мактаб ўқувчилари томонидан таъёрланган саҳна кўринилшилари намойиш этилди, шеър ва қўшиклар тингланди.

Подполковник X. Мадалиев ўқиган синфда унинг ўқитувчилари ва синфдошлари иштирокида «Рахмат сенга, мактабим!» номли учрашув ўтказилди. Устозлар ва синфдошлар белгубор мактаб даврларини эслашди. Қаҳрамонимизга илк сабоқ берган қалби дарё ўқитувчилар хо-тирасига ҳурмат бажо келтирилди.

Офицер устозларига ўз совгаларини улашди.

Ҳожиакбар билан ҳамиши фаҳрланиб юрамиз. У маҳалламизнинг, биз, синфдошларнинг чинакам фаҳри! – дейди синфдоши Жўрабек Салмонов. – Фарзандларимиз ҳам у каби Ватан ҳимоячиси бўлишини истаймиз. Бугунги учрашув эса бир умрга эсда қоларли бўлди.

Исломжон НУРАЛИЕВ



ЭНГ ЯХШИ СОҒФА – КИТОБ

„ Сергели тумандаги 8-умумтаълим мактабида ўқувчи ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкиллаштириш мақсадида маънавият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китобхонлик, ўқувчи қизларни ижтимоӣ фаол ҳаётга жалб қилишга доир беш муҳим ташаббусни амалга ошириш бўйича қатор тўғраклар ташкил этилган.

Мактабимиздаги тўғракларда ёшлар мусиқани ўрганиш, сурат чизиш, рақс сирлари, футбол, столний шахмат-шашка, волейбол, гимнастика, миллий кураш, бокс, робототехника бўйича билимларини оширимоқда. Шунингдек, китобхонлик кенг тарғиб

килиниб, «Ёш китобхон», «Китобхон оила», «Китоб менинг дўстим», «Китоб – ақл чироги», «Китоб марафони» каби тадбирлар ўтказилмоқда. «Қизларжон клуби», «Моҳир кўллар», «Мунҷоқли безак» каби тўғракларда эса қизларга хунар ўргатилипти. Тўғракларнинг барчаси малакали педагоглар жалб этилган. Кам таъминланган оиласларнинг фарзандларини эътибордан қолдирмаслик учун ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик килингти.

Яқинда ёшлар иттифоқи туман кенгаши билан «Китоб – ақл чироги» мавзуида катта тадбир ўтказилди. Унда ўқувчилар тўғракда ўқиган китоблари, аспарлар ҳақидаги фикрлари, ўзлари ёзган шеърларини айтib бердилар.

Тадбирда фаол иштирок этган ўқувчилар эсадлик совғалар ҳамда фаҳрий ёрликлар билан мукофотланди.

Д. ЭРГАШОВА, ўқитувчи

ЮРТИМ БҮЙЛАБ

Поезд шовқиңли шаҳарни ортда қолдириб, ўзини кенгликка уради. Тошкентта келганимга ҳам олти йилдан ошиби. Кечагина қишлоқдан келган қызы үқиши тугатиб, эгаллаган соҳам бўйича мана энди ишга кирдим. Хизмат сафарига кетяпман. Ўтган давр ичидаги юртимга ҳозиргидек кучли энтикиши хис қилмагандим. Бу билан олдин соғинмаганман, деган фикрдан анча йироқман. Қанотим бўлса-ю, Орол денизига қараб учсан...

Буғун ҳукумат аъзоларининг эътибори Мўйноққа қаратилган. Орол атрофини яшил оазис қилиш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида Мўйноқ тумани тубдан ўзгарди, чўл қоплонлари, қушлар ва қулонлар яна қайтиди, Оролда ҳаёт ўйғонди, Орол денизи чекинса-да, инсон чекинмаяпти. Ўтган йил экилган саксовул үруғлари шўр ерини ёриб, сарик қуммикка баҳорни олиб келган бўлса, ажаб эмас. Таждир ҳазилини қаранг, олдин Орол денизи сабаб сув тошкени, сув кўтарилишидан ҳавфисирад турадиган юргта энди сув етказиш, чўлдаги зарарни тузларга барҳам бериш чоралари кўриляпти, катта лойихалар тузилмоқда. Бу дунё миқёссида глобал мумаммога айланган. Одамнинг юраги оғриди, ачинади. Қани энди сурхли таёқчанг бўлса-ю, Оролни ўз ҳолига қайтарсанг...

— Журналистсиз? — деган овоз хаёлларимни тўзғитиб юборди. — Боя телефондаги сухбатингиздан англагандим. Ёшлигимда мен ҳам журналист бўлишини орзу қилгандим. Аммо у пайтларда ўқишига имконим бўлмаган, — деди ҳамроҳим бўлган аёл. Исим Гулсанем опа экан.

— Ҳа, Мўйноққа кетяпман, — дедим. Опа билан сухбатлашиб, узоқ йўлдизим қисқаргандек бўлди.

Ярим тун. Вагон ичидаги сокинлик ҳукмрон, ҳамма ширин уйқуда. Бир маҳал кўшни ўринидикдаги кичкина бола йиглай бошлади. Она овутиш учун ҳайий (алла) айтди. Бехос болалигим ёдимга тушди. Синглим йигллаганида ҳеч нарса билан алдаб бўлмаган, фақат онам ҳайий айтса, бирпаста ухлаб қоларди.

«Ҳайий, ҳайий, ҳай баласы
Анасының жан баласы,
Сен антанинг айбатысан,
Шанарагымыз саўлатысан».

Ҳайийда сехр бор, деб бекорга айтишимас экан. Мен ҳам уни эшитиб, ҳандай ухлаб қолганимни билмай қолибман.

Киши борар манзилига яқинлашганини билса, вақт ўтмай қолади. Вагон ойнасидан ташқарига қарайман. Мўрисидан тутун чиқири турган пахалин уйлар, олдига солиб бир гала кўй-эчкиларни ҳайдаб кетаётган бола, катта-катта ўтиналарни болтаси билан чопаётган ота, босма крандан сув олаётган келинчак...

Поездимиз Нукусга келиб тўхтади. Гулсанем опа билан ҳайрлашиб, вагондан тушдим. Мени қорақалпогистонлик таникли журналист, устозим Эсимхан оға Қаноатов кутиб олди.

— Ҳош келипсан, айқиз. Сени пут-кил қарақалпақ эли кутип турыпти, — деб ҳазиллашиб оға.



ОРОЛДА ҚОЛГАН ОҚҚУШЛАР

Тузли чўл ва саксовул ўртасидаги жанг



Нукусдан Мўйноққа қараб йўлга чиқдик.

— Рӯйн қандай қарындас? — деди ҳайдовчи оға.

— Қарамойын аннахўжа, — дедим. Ҳа, қорақалпоклар салом-алиқдан сўнг «Қайси урӯғдансан?» деб сўрашади. Агарда үруғлари бир бўлса, улар қызы бериб, қызы олишмайди. Чунки улар қариндош ҳисобланишади. Бу ҳалқимизга хос миллий қадрятлардан. Шу вактгача бир уруғдан турмуш кургандарни эшифтаганман.

— Дайылы-жиён экенбиз. Менинг анам қарамойын, — деди ҳайдовчи оға.

Эҳ-хе... рўйхатни узоқ давом эттиришим мүмкин. Мени ҳурсанд қилган жиҳати замонавий «Book café» қурилибди. Креатив ёндашув! Бу ерда барча турдаги китоблар, дарсликлар мавжуд экан. Туман ёшлари учун дастурлашни ўргатадиган «IT-маркази» очилибди. Бу зўр янгилик! Чунки Мўйноқ туманининг асосий муаммоларидан бири бу ишсизлик эди. Шунингдек, янги шифоҳона очилиш арафасида экан. Мўйноққа бундан беш йил аввали көлгәйнмада у ердаги ҳаёт биз кўрган қишлоқларнидан анча оғир эди. Аҳолининг



Саксовул экиш оммавий лойиҳага айланган. Республика миздаги барча давлат ва надавлат ташкилотларининг вакиллари шу ерда. 2019 йил 420 минг гектар жойга экилган саксовуллар чўлга яшиллик олиб келган. «Қукурузка» самолётида парвоз қилар эканман, бутун куриган денигини томоша қилдим. Бекорга жанг майдони демаган эканмиз. Оролнинг бир тарафи яшил саксовуллар, бир томони эса сарик қумлар ва оппоқ тузлар. Бу шўр тузлар минг-минглаб кишилар ҳаётига ҳавф солиши мумкинлиги ҳақида ўйласам, юрагимга вахима тушади...

Катта ижодий жамоа бор бу ерда. Айнан шу куни Ҳалқаро пресс-клубнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фавқулодда вазиятлар вазири, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси Турсинхан Ҳудайбергенов, Ўрмон хўжалиги кўмитаси раиси Низомиддин Бакиров, Ёшлар итифоқи раиси Алишер Саъдуллаев катнашди. Ҳалқаро пресс-клуб раиси Шерзод Қудратхўжаевнинг:

— Қорақалпоклар орасида «Бул жер еле зор болади», деган машҳур кўшиқ бор. Мана бу ер зўр бўлди. Биз чекинмаймиз, одамлар чекинмайди, табиат чекинмайди. Биз туз билан бўлган жангда албатта, ғалаба қозонамиз! — деган сўзлари гўё юрагимда жаранглади.

«Кемалар қабристони»да ҳаёл сурб ўтираб эканман, дениз барibir ҳайбатини йўқотмаганини хис қилдим. Бир вақтлар денигини тўлдириб пишириб сузган баҳайбат кемалар, ҳозир ҳориган, чарчаган, ўз ўлимини куттган қиши каби мунгайиб қолган... Тун. Мўйноқ осмонида юлдузлар чараклайди. Юлдузларнинг бу кадар ёрқин, кучли, йирик порлаб туриши мени ҳайратга солди. Ҳализамон кўёш тепага кўтарилиб, бутун Орол диёрини нурга белайди. Осмонида эса оққушлар учади...



асосий қисми бошқа жойга кўчишдан бошқа илож тополмади. Ичимлик суви танқис эди. Италиядан олиб келинган соатнинг бонги ҳам Мўйноққа янги ҳаёт қайтаётганлигидан дарак берадигандек. Ҳалқимиз бежиз «Қишлоққа соат келса, у ер шахарга айланади», дейишмаган. Мўйноқ кўчаларида эътиборимни тортган нарса Қозоғистон, Туркманистон, Тоҷикистон, Россия давлат ракамида машиналар кўпайган, бу эса сайдёлар оқими кўпайганидан далолат берарди.

Кейнги манзимиз туман марказидан 250 километрли ўйл, Оролнинг куриган туби, одам организмига хавфли дея айтилаётган тузли чўлга, яъни Орол меҳнат отрядининг штаби «0»чи километрли марказга етиб келдик. Бу ерга ҳам ҳаёт қайтаяти. 3 000 нафар одам, 1 500 та техника, шулардан 4 таси маҳсус самолёт (кукурузка)! Оролда бугун мажозий маҳнода жанг бўляпти. Яъни тузли чўл ва саксовуллар ўртасидаги жанг.

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА,
«Vatanparvar»

ХОТИРА

МАТОНАТ

Раимжон кенг майдонда кўзини очди. Димоғига аччик тутун ва тупроқ аралаш пороҳи хиди урилди. Ёнгинасида тураб ётган танк. Атрофда қимирлаган зоф кўринмайди. Узоқлардан гумбузлраган товушлар қулоғига чалинди. «У қаерда, нима учун ерга қоришиб ётибди» – фикри тиниқлаша бошлади йигитнинг. Ахир у душманга қарши жанг килиб турғанди-ку. Бирданига танк ичи тарақлаб кетди, тутунга тўлди ва ёна бошлади. Ҳайдовчи туйнуги очилмади, десантчилар бўлмасидан чиқишига тўғри келди. Ўёгини эслай олмади. Хушсиз қанча ётди, қандай жароҳат олди... Нима бўлгандага ҳам у тирик.

Раимжон аввал ҳам бундай синовни бошидан ўтказганди. Белоруссиияни фашист газандаларидан озод қилишда жаҳаннам оловидек ловуллаб турган жанггоҳда ўлим нафасини хис қилганди. Қаттиқ ярадор бўлган йигитни сафдошлари ёниб турган танк ичидан чиқариб олиб, шошилинч госпиталга етказишганди. Латвияда, Даугавпилс яқинидаги даҳшатли бу жанг эса унинг ҳаётига нуқта қўймоқчи...

Йигит туришга ҳаракат қилди. Аммо оёқлари унга бўйсунмади. Эмакламоқчи бўлди, йўқ, ҳаммаси бефойда, оёқлар ишламаганидан кейин... Қўлига тиралиб, бошини кўтарди. Ундан уч-тўрт метр нарида ётган жасадларга кўзи тушди. Бироқ кучли оғриқ сабаб, яна хушуни йўқотди...

Йигит поездда кўзини очганида аҳволи жиддий эканини англади. Лекин у яшами керак, акаси Шокиржон иккисини урушга кузатиб қолган афтодаҳол ота-онаси учун ҳам яшами керак. Айниқса, тик туришга-да мажоли қолмай, мунгайиб қолган онажонисининг қақшаган бағрини тўлдириш учун ҳам яшами шарт. Чунки уруш аждархосига ем бўлган акаси энди ортга қайтмайди...

Раимжон Москва, Куйбишев ва бир қатор бошка шаҳарлардаги госпиталларда ҳаёт учун курашди. Шифокорлар танкчининг ҳаётини асрар қолишига астойдиги ҳаракат қилди. Кунлар, ойлар... Мана, у тирилик уммонидаги инсонлар сафида. Бироқ оёқлари... У оёқсиз кимга ҳам керак, кекса ота-онасига таянч бўлишнинг ўрнига бокиманда бўладими? Аммо она юрт, ота ҳовли, Фарғонанинг Тошлогидаги қадрдонлари... уларга талпинмай бўладими?

Ўғилларининг йўлига интизор, куну тун дудоҳа бўлган ота-онаси қўлтиқтаёқ ва ёғоч оёқда бағирларига қайтган Раимжонни кувонч ва алам ёши ила қарши олишди. Қаҳрамон ўғилларининг кўкси тўла орден, аммо ўзи яримжон. Онаси тушкун ва афтодаҳол ўғлининг аҳволидан пана-панада йиглаб олса, отаси кўз ёшини кўрсатмаслик учун ўзини кўчага уради.

Ҳа, жангроҳ атамлиш аждарҳо домидан омон қайтишнинг ўзи бир омад. Яқинларидан айрилган кўплаб хонадонлар мотамда. Ҳамқишлоқлари унинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туршиди. У урушга қадар тракторчилек қилган забардаст йигит эди. Шунинг учун уруш бошланганда қисқа муддатни курсда ўқиб, танқда механик ҳайдовчилик қилди. Юзлаб фашистларни ер тишлатди. Энди эса...

Кўп ўтмай кўклам ташрифи тушкунлик қоплаган ҳаловатсиз дилларга баҳорий илиқлик улашди. Ерлар кўпчили, тириклини кўйида қимирлаган жон борки, далага ошиқди. Қишлоқ ахлининг ризқи ер билан, экин-тикин бошланди. Барча меҳнат кўлда бажарилади, одам етишмайди. Асосий ишчи кучи – аёллар ва болалар. Тракторлар деярли йўқ, бўлгандага ҳам бошқардиган эркак йўқ.

Бундай пайтда Раимжон каби навқирон йигитнинг уйда қолиши осон эмас. Фақат унга руҳий дала да керак. Собиқ тракторчини кўргани келган туман раҳбари йигитнинг



ОРТДА ҚОЛГАН ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР

(Иккинчи жаҳон уруши воқеалари)

ЁЛҒИЗ ОНА

Үн тўққиз ёшида бева қолган она умр шамини – Ёдгорини фронтга кузатди. Ёлғиз она кўйди, ёнди, фарёдини ичига ўтди. Кўпга келган тўй, битта оиласда битта эркак бўлса ҳам, ўнта бўлса ҳам жанггоҳга отланди. Унаширилган кизлар, янги келинчаклар, бағри куюқ оналар, бир этак бола билан қолган дили садпора аёллар... Барчаси кўли дуода, кўкси қақшаган кўй йўл термилиб қолди. Саноқли эркаклар қолган қишлоқлар хувиллаган, мотамсаро оиласар ҳаловатсиз. Ҳалқни, тўғрироғи, қариялар, аёллар ва болаларни олдинда машакқатли синовлар – оғир меҳнат, очарчилик, «корахат»га битилган айрилик оташа кутмокда.

Куну тун дили дуода, кўли меҳнатда бўлган она ўғлининг йўлига кўз тикиди. «Ёлғизимни ўзинг асра, Аллоҳим. Бағримни қуритма, умидимни сўндирма, ёш жонига раҳм қил. Эримдан қолган Ёдгорим ўзингга омонат...»

Уруш олови узоқка чўзилган ойлар, йиллар... Яқинлари жанггоҳлардан қайтмаган фамгузор оиласлар. Үн тўққиз ёшида беваликни бўйнига олган ёлғиз она...

Ёлғиз фарзандини кузатди жангга,
Ёлғиз дилбандига сунянган она.

Мунгли йўқликларга сингди мангуга,
Унинг кўксидаги ширин афсона.
Она қайғуларга сабот-ла бокди,
Сунянди ёдгорлик – ёлғиз суратга.
Интиқ нигоҳида умиддек балқди,
Куну тун беркилмас мўъжаз эшикча.
Мудҳиш ёлғизликнинг совуқ нафаси,
Унинг кулбасини кезган кунлари,
Суратга тикилиб тўлиб дил саси,
Юрак сирларини очди тунлари.

Инсонга мангулик эмасдир дунё,
Шу савдо онани келди қаршилаб,
Сўнгига бор Тангрига қилиб илтижо,
Сўнгига бор тўкилган юраги бўзлаб,
Кўзлари суратда котди бези...

Урушга лаънатдир, нафрат урушга,
Асло тирилмасин унинг излари,
Келажак авлодга абадий нидо –
Оғаси қайтмаган мустар эшикча,
Мангу очиқ кеттан Она кўзлари.

Зулфия ЮНУСОВА

БУЮК ФАЛАБАГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Қуролли Кучлар академиясида Гуманитар фанлар кафедраси томонидан «Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушида Буюк фалабага қўшган улкан ҳиссаси» мавзууда илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси адлия полковники Шуҳрат Зоиров, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти грант раҳбари, тарих фанлари доқтори, профессор Қаҳрамон Равжабов, Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими, тарих фанлари номзоди Мўътабар Ўролова, академиянинг Гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчisi, тарих фанлари номзоди капитан Ьерқиной Розимова ўз маърузалари билан қатнашди.

Конференцияда тарихчи олимларнинг «Иккинчи жаҳон уруши тарихига XXI асрдаги турли ёндашуввлар», «Ўзбекистон хотин-қизларининг фронт ортидаги жасоратлари», «Ўзбек аёли – жанггоҳларда мард жангчи» мавзуларидаги илмий-назарий йўналишдаги маърузалари ҳамда Фанлар кафедраси томонидан тайёрланган видеолавҳалар ҳам йиғилганлар ётиборига ҳавола қилинди. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги олдидан ўтказилган ушбу тадбирда курсантлар аждодларимиз кўрсатган жасорат, матонат, бағрикенглик намуналари ҳақида бир қатор кимматли маълумотларга эга бўлиши.

Ўз навбатида академия курсантлари фронтда онасидан мактуб олган жангчи қиёфасида шеърий композицияни саҳна кўринишида ифодалашди.



Камолиддин АСРОР

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

СОҲИБЖАМОЛ

(ҳикоя)

„ Уйдагиларга ўйланишим
ташвиши тушди-ю,
хәётимнинг сокин кунларига
путур етди. Қаердан ҳам
катта аммам уйимизга мәхмон
бўлиб келди-я! Кеди-ю,
доимидек ҳамма ерни афдар-
тунтар қилиб юборди.

— Кечираисиз...

Хурлиқо саволомуз нигохини сўнгги бора менга
ташлади-да, китобларини бағрига босганча йўлак
томон кета бошлади. Ишонсангиз, бошим оғриётгани
ҳам ёддан кўтарилид. Ошхона ошпази Турдихол опа
бўлимдан ўксус тўлдирилган идишини олгачигина,
ўзимга келдим.

— Камрон, яхшимисиз? Бугун бошқачароқсиз?

— Йўқ, яхшиман, опа. Қаердан кеб қолдингиз бу
ерга — миянга келган ягона савол шу бўлди.

— Хаёлни жойига қўйиб юриши керак, ошик йигит.
Сиз ошхонадасиз. Мен ошпаз олангиз Турдихол-
ман-нн!

Кузатиб ўтирган экан-да, писмик кампир. Бошим-
нинг оғриги босилган бўлса-да, дарс яна қулоққа
кирмасди. Кайси факултетда ўқир экан? Тұрмушга
чиқмаганмикан? Ишқилиб, чиқмаган бўлсин-да.

Уни қандай топаман? Нималар деялсан, Камрон-
бек, у ахир битта, ягона-ку. Уни хеч қийналмай
топса бўлади. Кўриниш берса бўлгани.

Пастки курсда ўқыйдиган қадрдан укахоним
иљайиб рўпарамда пайдо бўлди.

— Нима қилиб турибисиз, ака? Бўри овга чиқдими,
дайман.

Ўзи шунинг беўшов ҳазили етмай турган-
ди. Бошқа сафар бўлганда эди юзига қараб
кўйи-и-б-кўйиб юборган бўлардим, аммо... кутил-
маганди у кўринди. Ёнида дугоналари, қўлида ўша
китоблар. Жилмайши бунча чиройли.

— Мана бу қизни танийсанни, Боҳирхон?

— Боҳирхонмас, Соҳибжон, ака.

— Нима фарқи бор? Танийсанни, йўқми?!

— Фарқи бор. Аввал ўз исмим билан чақиринг.

— Хўй, ана Соҳибжон! Танийсанни ўртада кела-
ётган қизни?

— Соҳибжамол!

— Биламан, соҳибжамоллигини, исмини сўраяп-
ман! Асабимга ўйнама, бола!

— Нега бўғиласиз, ака, исми Соҳибжамол. Курсдо-
шим.

— Исми жисмига мос экан...

Мен кутган нарса рўй берди. У қиз биз тарафа
тиклиди-ю, нигохини олиб қочганча эшикка йўнал-
ди. Чамамда, ҳамсабоги билан гаплашиб турганимга
ҳайрон қолди.

— Бахтиёрилгимдан иргишилаб ўйга кирдим.

— Онажон, табриклайман, сизга мана бундай
келин топдим, орзунгиздагисини.

— У қиз мени яна ҳаётга қайтарди, онажон. «Реа-
нимация»дан обчиқди, онагинам.

— Ишқилиб охири билан суюнтирасин-да, болам.
Амманд топган қиз сенга ёқмаганидан хафа ҳалиям.
Мени роса койди: «Бой олланинг қизи, жиянимнинг
келажаги учун килгандим ҳаммасини» деб...

Хаёлий севгилимда яхши таассурот колдириш
илингизда китоб дўконига кирдим. У ердаги китоб-
ларнинг кўплиги мени бироз шошириб қўйди. Ўзим-
ни ниҳоятда ашаддий китобхонлардек тутиб, кассир
опага сўз қотдим:

— Ола, янги китоблардан борми? Бу китоблар-
дан кўпини ўқиган эканман... Пул санаётган аёл
ортида турган китобларга кўл чўзди. — Мана бу-
ларни кўринг, ҳали жавонларга қўймагандик. Янги
асарлар.

— Муқоваси қалин китобларни варактай бошладим.

Улардан бирининг номи менга ёқди — «Бевафо».

Номи яхши экан-у, нархи сал...

— Дидингизга қойил, укам. Ҳозир кўп йигитлар шу
китобни севгилисига совға қиляпти. Жуда зўр асар.
Муаллифи ҳам машҳур, оти нима эди-я, ҳа, Жозеф...

Пулини тўлаб, олийгоҳим сари шошилдим.
Соҳибхонга олдиндан илтимос қилгандим. Режам
иши берди.

— Ассалому алайкум, домла. Турғуновани дека-
нната чакиришаётган экан.

Домла бегона қизга таажжуб-ла қараганча,
хушламайгина изн берди. Соҳибжамол чиққунча
ваъда килинганди ширинликларни олган қиз қорасини
ўчирди. Соҳибжамол учун бу кутилмаган ҳолат эди.
Бирдам гапиришга сўз тополмай турди-да:

— Сиз... — дея олди зўрга.

— Ҳа, мен. Ҳалиги... тунов куни китобларингиз-
га шикаст етказгандим... шунга сизга китоб олиб
келдим.

— Шарт эмас, китоблар йиртилмабди, бус-бутун.
Хижолат бўлманд, — у қайрилиб кета бошлади.

— Соҳибжамол!

— Соҳибжамол ярқ этиб қаради. Бу қарашни сўз
бильдади.

— Китобни сиз учун, ҳа, ҳа, факат сиз учун ол-
гандим.

Оппоқ юзида менга таниш жилмайиш бўй кўр-
сатди.

— Мен учун олган бўлсангиз, раҳмат. Майли,
сиздан эсадалик бўла қолсин.

Қалбимдан ўтаётган ҳисларни сўз билан тъ-
рифлаб бўлмайди, қадрдон. Мен ҳисларимга ен-
гилган эдим. Гўё ерда эмас, осмонларда учардим. У
билан ҳаёлан гаплашар, чиройли кўзларига тўйиб
боқар, соатлаб китоб мутолаа қилишини тасаввур
килардим.

Баъзида фойе ёки ошхонада қўришиб қолсак,
саломлашар, ҳол-аҳвол сўрашардик. Бир марта
қисқа бўлса-да, китоб ҳақида сұхбатлашдик. Ҳам-
маси, ҳаммаси рисоладагидек кетаётганди... аммо
бир куни...

Университет ҳовлисида курсдош жўраларим
билан гаплашиб тургандик. Кўзим ётоқхонадан
хурсанд кайфиятда чиқиб келаётган Соҳибжамолга
туши. У ёнимдан юриб эмас, учиб ўтди. Ҳатто, мени
кўрмади ҳам. Табийки, унинг ортидан эргашдим.
Соҳибжамолни (менинг Соҳибжамолим дейишишга
хали эрта эди. Рости, уни ўзимдан ҳам кизганардим)
нима бунчалик хушнуд этди экан?

Ортидан етиб борганимдай, у бегона йигитнинг
кучогига ўзини отган, йигит унини юзидан ўтиб,
мехрибонлик билан сочидан силарди. Уйимга қандай
келиб қолдим, ўқишидан қандай чиқидм эсимда
йўқ. Эсимда қолган онамга «Мубиналарнига
совчиллик боринг. Тўйни тезлаштирамиз», дедим.

Мана, уч кундан кейин тўй. Устозларга таклиф-
нома бергани университетга келдим. Таклифнома-
ларни эгаларига тарқатиб, ошхонага кирдим.
Турдихол опам узундан-узоқ доу қиди. Эшикка
йўналганимда, ортимдан кимдир чакириди.

— Камрон, сизга китоб бериб кетишанди. Омо-
натингизни олинг.

«Бевафо» романи. Соҳибжамол бериб кетган.
Китоб ичида қофоз борлигини пайқадим. Бевафо
нималар ёзган экан. Унинг ёзғанларини бир ўқидим,
иқки ўқидим. Китоб кўлимдан тушиб кетди.
Қоғозда «Аслида, бевафо ким? Иккى йил ақасини
кўрмай, унинг бағрига отилган жаҳожи сингилми
ё синовларга дош беролмаган бекарор юраким?..
Бахтиёрилгинга бевафолик қилманд» деган сўзлари битилган эди.

Давронбек ОРИПОВ

— Камронни нега уйлантирмаяпсизлар? Ё қасали
борми, ука?.. — опасининг аччик-тиззиқ гапларига
кўнглини отам жилмайшиб билан кифояланди. Синг-
лим пиқиллаб кулиб юборди. Итоаткор онам эса дув
қизарди...

— Амма!

— Нима, амма, нима амма! Сен тенгиллар ҳозир
кўчада камиди иккита боласини ўйнатиб юриди, сен эса...

— Ўқишим келаётган ёзда тугайди, озрок сабр
килсангиз, сиз учун уйланаман, амма.

— Ҳо, шунақами? — аммам икки қўлини белига
кўйди. — Мен учун эмас, ўзинг учун уйланасан,
хумпар!..

Хуллас, гап аммам ташлаб кетган расмдаги қиз
билин учрашув ташкил этилиши билан тугалланди.

«Соҳибжамол» кафеси пойтахтнинг марказида жойлаш-
ган. Нархларининг қимматлиги сабаб, бу ерга ҳамма
ҳам кира олмайди. Рости, ўзим ҳам уч-тўрт марта
унинг ёнидан «вой-бўй» деганига ўтиб кетганман.
Ишқилиб, чўйтакдаги пул етсинг-да. Шарманда
қилма, ё Аллоҳ...

«Халқлар дўстлиги» санъат саройи тарафдан бир
тўда ҳизбийни кўринганди. Кун яхшигина совук бўлгани учун
ҳаммаси пальто ва шарфларга ўранганди. Қайси бир
бўлди экан, Мубинахон деганлари...

Тўдадан иккитаси ажралиб, камина томон юра
бошлади. Юракнинг дурилди. Рости, ўзим ҳам уч-тўрт марта
унинг ёнидан «вой-бўй» деганига ўтиб кетганман.

Каршида кўйиб келинганди. Уларга курткамнинг олдини
очиб, шарфимни тўғриладим.

Балки ичкарига таклиф киларсиз, яхши йигит,
— кизлардан бирининг кесатлини гапидан ўзимга
келдим. Каллам курсин, ковун туширибман-ку.

— Ҳа, албатта. Ичкарига марҳамат!

Иккалори олдимга тушди, камина орқада. Кўзим
бейхиқиер уларнинг оёқларига тушиб, сесканиб кет-
дими. Оёқлари совқотмаптимкан?

Яхшияни, улар келгунча жой буюриб кўйганди.
Эшик оғаси қизларнинг уст кийимларини олишга
тутинди. Доимидек, кўз қурғур бу сафар ҳам айт-
ганини қилимади. Тиззадан бир қарич тепага «интил-
ган», йўлбарс терисини ёдга солувчи кўйлак, узун
этниклар, кулоғида осилиб турган бир қарич зирақ;
булар менинг дастлабки таассуротларим.

Қайси бирни Мубинахон экан, ҳали ҳам ажратса
олмаганин чакки бўлди-да.

— Ҳўш, қизлар, нима еймиз? — жилмайишга ти-
ришганча уларга мулозамат қилдим.

— Нима олиб бера оласиз, ўзи? — кизлардан бирини
биринчи кинояли сўроғи устидан бир чекал совук
сув қўйиб юборгандек бўлди. Аммо начора...

— Истаганингизни, Мубинахон, — дедим дадил
сўзлашга уриниб.

— Қойил, зўр фолбин экансиз. Қара, сани Мубин-
чик эканингни билдила... Уларнинг шодон кулгиси
ён-атрофдагиларнинг эътиборини тортди.

Хуллас калом, ўша тушлини зиёфати менинг қан-
ча пул топлишим, нега машинан йўклиги ҳамда
буш-бабе йигит эканни ҳақида бўлди. Энг асосийси,
ўша куни кафега гаров сифатида ташлаб кетган
соатим ва кўл телефонимни асосийси, қайтариб
олодим.

Үтилаётган дарс қулоққа кирмайди. Устоздан
жавоб теккач, юргургана ошхона томон шошилдим.
Бу сафар ҳам шошқолқлигим панд берди: кирав-
вершида нотаниш қизга бориб урилдим. Кўлидаги
китоблар полга келиб кетди. Китобларни тера-
бошлади. Қараб қўймади ҳам. Жим туриш инсофдан
эмас. Китобларни йигишига тутиндим. Таниш китоб,
«Ўткан кунлар».

— Кечираисиз, синглим, бехосдан...

Киз менга тикилди. Оппоқ юзлари, чарос кўзлари,
гулгун ёнокларида гина-кудурат аломатлари йўқ
эди. Бунчалик чиройли, соҳибжамол бўлмаса. Тўхта,
кўзимга таниш кўриняпти. Ҳа, эсладим. Университе-
тимизда ўтказиб турлиларидан таддирлардан биринда
бошловчилик қилганди. Ширин жилмайши кўз ол-
димда қолган, уни таниш қизлардан суришираман,
деганча ёдимдан кўтарилганди. Бахти қарангки,
худди шу қиз қаршида нигохини менга тикиб тур-
ради. Чап юзида холи ҳам бор экан.

— Ҳечқиси йўқ, бўлиб туради. Илтимос, китобим-
ни берсангиз.

Халқларни, унга термилганча, китобини маҳкам
ушлаб турган эканман.

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС

MVSK (Mudofaa vazirliji sport klubi) аъзоси Бектемир Меликүзинев АҚШнинг Калифорния штатида ўтказилган профессионал бокс оқшомида рингга кўтарилиб, ўзининг «WBA Americas» камарини химоя қилди. Унинг профессионал боксдаги бешинчи рақиби мексикалик Оскар Кортес бўлди.

MVSK аъзоси Бектемир Меликүзинев (75 кг) профессионал рингдаги илк жангини 2019 йилнинг июн ойида АҚШнинг Лос-Анжелес шахрида ташкил этилган бокс оқшомида ўтказганди. Ҳаваскор боксчизим профессионал рингдаги илк жангидәк «профессионаллар профессионалини мағлуб этгани боис» «Bully», яъни «Безори» лақабини олганди. Ушбу «безори»лик ҳамон давом этмоқда – ўша Лос-Анжелес шахридаги илк ғалабадан сўнг MVSK аъзоси АҚШда яна 4 та жанг ўтказди ва барчасида ғалаба қозониб, 3 тасида нокаут қайд этди.

«Бир йўла икки фронтда жанг қилаётган», яъни ҳам ҳаваскор, ҳам профессионал боксда ўз фаолиятини муваффақиятли давом эттираётган MVSK аъзоси профессионал рингдаги бешинчи жангини

БЕШИНЧИ ҒАЛАБА

ўтган ҳафта охирида мексикалик Кортесга қарши ўтказди. Аслида «Bully» боксчимизнинг бу галги рақиби мексикалик Марко Антонио Перебан бўлиши керак эди. Жанг учун вазн ташлаш жараёнида Пе-рибанинг соглиги ёмонлашган ва шу сабабли у Бектемирга қарши рингга чиқмади. Унинг ўрнига бошқа бир мексикалик боксчи – шу кунгага профессионал боксда 32 тасида (14 таси нокаут билан) ғалаба қозонган, 5 марта (4 та нокаут) мағлуб бўлган Оскар Кортес жанг қилди. АҚШнинг Калифорния штати Анахайм шахрида ташкил этилган бокс оқшомидаги ушбу баҳсада Бектемир ўзининг «WBA Americas» камарини химоя қилди ва тўртинч марта «безори»лик намойиш этди-10 раундга мўлжалланган жанг биринчисидаётк юқунланди... Меликүзинев кетма-кет зарбалари билан рақибини бурчакка олиб бориб тақади ва чап кўлдаги кучли зарбасини Оскарнинг қорин қисмига берди. Мазкур зарбадан сўнг Кортес жангни давом эттира олмади, Бектемир эса профессионал боксдаги бешинчи жангидаги тўртинчи нокаутли ғалабага эриши.

* * *

MVSK аъзоси Бектемир Меликү-

зиев ҳаваскор боксдаги фаолиятини ҳам давом эттироқда. Бу йўналишида қитъя чемпиони, шунингдек дунё биринчилиги, Олимпиада ва Осиё ўйинлари совриндори бўлган чармқўлқоп устамиз келгуси ойнинг дастлабки (3 – 10 марта) кунлари Иорданиянг Амман шахрида бўлиб ўтказдан бокс бўйича Осиё ва Океания қитъаси вакиллари учун Токио Олимпиадасига йўлланма берувчи турнирда қатнашади. Мазкур мусобакада иштирок этадиган боксчиларимиз 16 февраль куни Иорданияга жўнаб кетишид. Юртимизнинг 20 нафардан ортиқ етакчи чармқўлқоп усталирини жамлаган ўзбекистон миллӣ терма жамоаси таркибидан MVSKнинг Бектемир Меликүзиневдан ташкиари яна 7 нафар боксчиси, яъни Миразизбек Мирзахалилов

(-57 кг), Шунқор Абдурасулов (-60 кг), Билолбек Мирзахаримов (-69 кг), Фанат Каҳрамонов (-75 кг), Дилшодбек Рўзметов (-81 кг), Коҳзим Мардонов (-81 кг) ва Мадияр Саидраҳимов (-91 кг) ҳам ўрин олган.

Мусобака бошлангунга қадар боксчиларимиз Амман шахрида ўқув-машгулот йиғини ўтказади. Ўзбекистон миллӣ терма жамоаси мураббийлар штаби мазкур йиғин якунига кўра Олимпиада йўлланмаси учун курашадиган боксчиларимиз рўйхатини аниқлаб олади.

ОГИР АТЛЕТИКА

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида оғир атлетика бўйича Токио Олимпиадаси учун рейтинг очколари тақдим этиши билан мухим аҳамиятга эга VI Халқаро бирдамлик мусобакаси бўлиб ўтди. Унда MVSK (Mudofaa vazirliji sport klubi) аъзолари ҳам қатнашиб, юртимиз спорт шарафини муносиб химоя қилишиди.

Дунёнинг 48 давлатидан 300 нафарга яқин спортчилар иштирок этган VI Халқаро бирдамлик мусобакаси жуда юқори савиядаги ўтказилди. Буни мусобака қатнашчилари, мутахассислар ва Халқаро оғир атлетика федерацияси (ХОАФ) вакиллари ҳам ётироқ этишиди.


– Бা�ъзи давлатлар учун бу каби мусобакаларни қабул қилишга олти ой, ҳатто бир йил ҳам камлик қиласди. Ҳамиша халқаро мусобакаларни юқори савиядаги ташкил этиб келган ўзбекистон эса атиги уч ой ичидаги бир эмас, балки иккита мусобакани юқори савиядаги ташкил эта олишини исботлади, бунга ўзимисига бўлмокдамиш, – деди мазкур турнирга бағишланган матбуот анжумандида Халқаро оғир атлетика федерацияси (ХОАФ) Буш котиби Муҳаммад Жалуд. – Ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатидан кейин энди катталар ўртасидаги дунё биринчилигини ҳам ўзбекистонни бериш масаласини ўйлаб қолдик. Транспорт тизими, спортичларга яратилган шароитлар, хуллас барча-барчаси аъло даражада.

Аслида VI Халқаро бирдамлик мусобакаси Тунисда ўтиши керак эди. Коронавирус хавфи боис у бекор қиласиди ва ХОАФ Буш котиби Муҳаммад Жалуд таъкидлаганидек, ўзбекистон қиска фурсат ичидаги ташаббус билан мусобакани қабул қилди ва уни юқори савиядаги ташкиллаштириди.

Йигитларимиз VI Халқаро бирдамлик мусобакасининг 9 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза, жами 14 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 1-йўрингни эгаллаган бўлса, қизларимиз ҳам 7 та олтин, 11 та кумуш ва 3 та бронза, жами 21 та медал билан умумжамоа ҳисобида голибликни нишонлади. Ушбу муваффақиятларни ҳамюртимиз Муаттар Набиева (-55 кг) 3 та кумуш медални қўлга киритиш билан бошлаб берди. Вакиламиз даст кўтаришда 89 кг, силтаб кўтаришда эса 111 кг, иккита курашда 200 кг натижага қайд этди. Ҳар бир йўналишида



ЎЗБЕКИСТОН УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА БИРИНЧИ



Набиевадан бир килограммдан юқори (90 кг + 112 кг = 202 кг) натижага кўрсатган нигериялик Адижат Оларинойе эса олтин медалларга эгаллиқ қилди.

Жаҳон рекордчиси Кумушхон Фатулаев (-71 кг) эса терма жамоамиз ҳисобига 3 та олтин медални ёзиб кўйди. У даст кўтаришда 99 кг, силтаб кўтаришда 124 кг, иккита кураш бўйича 223 кг оғирлигни қўйинчиликсиз уddyалади. Ушбу вазн тоифасидаги баҳсларда қатнашган яна бир ҳамюртимиз Нигора Сувонова ҳам совриндор бўлди. У 89+110=199 кг натижага қайд этиб, 3 та кумуш медални қўлга киритиди.

Шунингдек, ҳамюртларимиз Фотима Ҳабибуллаева (-67 кг, 3 та бронза медаль), Долера Давронова (+87 кг, 3 та кумуш медаль), MVSKнинг собиқ аъзоси Достон Ёқубов (-73 кг, 2 та кумуш, битта бронза медаль), MVSK аъзоси Сарварбек Зафархонов (-89 кг, 3 та олтин медаль), Умарбек Шоҳназаров (-102 кг, 3 та бронза медаль) ҳам ўз вазн тоифасидаги бўйича баҳслар якунида совриндор бўлдишли.

Оғир вазнли полвонлар иштирок этган мусобаканинг сўнгги кунида ҳамюртларимиз Муҳаммадқодир Тоштемиров (-81 кг) ва MVSKнинг собиқ аъзоси Акбар Жўраев (-109 кг) олтин медаллар билан тақдирланishi. Тоштемиров даст кўтаришда 160 кг, силтаб кўтаришда 181 кг, иккита курашда 341 кг натижага қайд этди. Энди 21 ёшни қаршилаётган Акбар Жўраев эса VI Халқаро бирдамлик мусобакасининг даст кўтариш машқида ўзининг шахсий рекордини 1 килограммга янгилашга муваффақ бўлди. У даст кўтариш баҳсларида 189 кглик штангани ўзига бўйсундиди, силтаб кўтариш баҳсларида 221 кг, иккита кураш якунига кўра эса 410 кг натижага қайд этиб ва уч йўналишида ҳам олтин медални қўлга киритиди. Иккичи ўринни эгаллаган қозогистонлии Ибрагим Берсановнинг натижалари (181 кг + 206 кг = 387 кг) Акбарнинг кўзаткичларидан анча паст бўлди. MVSK собиқ аъзосининг кўрсаткичлари янада юқорироқ бўлиши мумкин эди, бирор...

– Жўравнинг нега силтаб кўтариш машқида учинчи уринишга чиқмаганига келсақ, у илк уринишидаётк олтин медалларни нақд қилиб кўйди ва ундаги кичик жароҳатни инобатта олган ҳолда учинчи уринишидан воз кечдик, – деб изоҳ берди терма жамоамиз бош мураббийлар Баҳром Мендибоев. – Умуман олганда, шоғирларимизнинг мусобакадаги иштирокларидан кўнглим тўлди, ўз навбатида, ишлашимиз кераг бўлган баъзи жихатлар ҳам кўриниб қолди. Ҳали олдинда вақт бер кичик камчиликларни бартараф этишига улгурасиз.

Мазкур мусобака яқинлашиб келаётган Токио Олимпиадаси ўйлида қимматли рейтинг очколарини тақдим килиши билан катта аҳамият касб этар эди. Унда муваффақиятларни иштирок билан вакилларимиз ўз ҳисобларига қимматли рейтинг очколарини ёздириб қўйишиди.

ФУТБОЛ

Осиё чемпионлар лигаси (ОЧЛ) гурух босқич баҳсларининг 2-тур учрашувлари ўтказилди. «В» гуруҳдан ўрин олган мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Пахтакор» Тошкентда Эроннинг «Шаҳр Ходро» жамоасини қабул қилиб, қитъя клубларининг биринчи рақами турниридаги юбилей - 100-йинини ўтказди.

Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида деярли мунтазам равишда қатнашиб келаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси шу пайтагача 99 та учрашув ўтказган ва уларнинг 45 тасида ғалаба қозониб, 18 та дуранг ва 36 мағлубият (тўплар нисбати 142:135) қайд этган эди. ОЧЛ - 2020 гурух босқич баҳслари 2-турнидан ўрин олган Эроннинг «Шаҳр Ходро» клубига қарши ўйин жамоамиз учун юбилей - 100-йин бўлди.

Биринчи турда Дубайнинг «Шабаб Ал-Ахли» клубини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб жамоамиз «Шаҳр Ходро»га қарши ўйинни ҳам кўтарики руҳда бошлади. «Пахтакор» ўйингогоҳи келган мухлислар аввали учрашувдагига нисбатан кўпроқ бўлгани ва уларнинг бирдамлик билан кўллаб-куватлаши ҳам футболчиларимизга қўшимча куч бағишилади. Бу, айниқса, ўйиннинг 56-дақиқасида Игорь Сергеев томонидан эронликлар дарвозаси ишғол этилганидан кейин яққол сезилди. Мухлисларнинг олқиши ҳали тўлиқ босилмасидан, яъни орадан уч дақиқа ўтиб, Сергеев рақиб дарвозасига иккинчи голни урди. 87-дақиқада Шерзод Аъзамов томонидан урилган гол эса учрашувда «Пахта-

ка» ташкилоти рейтингида 1-турда «Шаҳр Ходро»ни қабул қилиб, 2:0 ҳисобида устун келганди. ОЧЛ «В» гуруҳида пешқадамлик тўплар нисбатига кўра «Пахтакор» томонига ўтди.

Навбатдаги тур учрашувлари 3 март куни ўтказилади. «Пахтакор» сафарда «Ал-Хилол»га қарши майдонга тушиб, ҳақиқий синовдан ўтади. Чунки Халқаро футбол тарихи ва статистикаси (IFFHS) ташкилоти яқинда эълон қилган «2019 йилнинг энг яхши клублари» рейтингида «Ал-Хилол» 159 очко билан Осиё микёсида 1-ўринни эгаллаб турибди, мазмунли ўйинлари жой олган. «Янгидан оёқка турган» «Пахтакор» эса 6-ўринда қайд этилган.

IFFHS ташкилоти рейтингида пешқадамлик Европа чемпионлар лигасининг амалдаги чемпиони, УЕФА Суперкубоги соҳиби, клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати фолиби, АПЛ етакчиси «Ливерпуль» жамоаси томонида. Инглиз клуби ҳисобида 316 очко мавжуд. Испаниянинг «Барселона» (293 очко) ҳамда Англиянинг «Манчестер Сити» (284 очко) жамоалари кучли учлидан жой олган. «Фламенго» (Бразилия), «Септик» (Шотландия), «Валенсия» (Испания), «Аякс» (Нидерландия), «Челси» (Англия), «ПСЖ» (Франция) ва «Булверхемптон» (Англия) клублари кучли ўнликни тўлдирган.

Жаҳоннинг энг кучли 400 клуби орасидан Ўзбекистондан фақатгина битта жамоа - «Пахтакор» жой олган. Жамоамиз ҳисобида 112 очко бўлиб, рейтингда Қатарнинг «Ас-Сад» клуби билан бирга 140-ўринни эгаллаб турибди. 2018 йилги мавсум якуни бўйича 2019 йил бошида эълон қилинган мазкур рўйхатда «Пахтакор» 394-ўринда қайд этилганди, клуб бу сафар 254 пофона юқорига кўтарилини. Эътиборлиси, ушбу рейтингда «Пахтакор» Италиянинг «Милан», Германиянинг «Байер», Франциянинг «Марсель» клубларидан одлинда жойлашган. Маълумот учун, IFFHS рейтингни ой ва йил якунлари бўйича клубларнинг халқаро ва ички чемпионатлардаги натижаси, кубок («плей-офф» босқичидан бошлаб) баҳсларидағи ўйинларига асосан эълон қилинади.

Яна бир хабар, 2021 йили Ўзбекистон клубларига ОЧЛдан «1+1» кўринишида квота берилади, яъни Ўзбекистон чемпиони (2020 йилги) тўғридан-тўғри ОЧЛ гурух босқичига чиқади, мамлакат кубоги соҳиби эса ОЧЛнинг сафараш босқич баҳсларида қатнашиди. Агар Ўзбекистон кубоги соҳиби ОЧЛ сафараш босқичидан мұваффақиятли ўтиб, гурух йўлланмасини кўлга киритса, мамлакатимизнинг бошқа бир клубига ОФК кубогида қатнашиб имконияти берилади. Агар Ўзбекистон кубоги соҳиби ОЧЛ сафараш босқичида омадсизликка учраса, унда баҳсни ОФК кубогида давом этиради. Лўнда килиб айтганда, Ўзбекистон кубоги соҳиби ОЧЛ сафаралишидан мұваффақиятли ўтса, халқаро турнирлардаги жамоаларимиз сони 3 та бўлади, акс холда, иккиталигича қолади.

«Шабаб Ал-Ахли» (БАА) ва «Ал-Хилол» (Саудия Арабистони) жамоалари ўтасидаги гурухнинг иккинчи учрашувда 1:2 ҳисобида

«ПАХТАКОР» ЯНА «ОЁҚКА ТУРДИ»



Расул ЭРМУҲАММАД

ШОҲСУПА

(хабарлар)



ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Франциядаги ўтказилган «Meeting elite en salle féminin du Val d'Oise» халқаро турнирида ҳамюртимиз Светлана Радзивил баландликка сакраш бўйича 1,93 метр натижа қайд этди ва шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилиб, олтин медаль билан тақдирланди. Унинг рақобатдоши, MVSK аъзоси Надия Дусанова бу сафар 1,81 метр натижа кўрсатиб, 6-ўрин билан кифояланди.



ПРОФЕССИОНАЛ БОКС. Филиппиннинг Сан-Фернандо шаҳрида ўтказилган бокс оқшомида ҳамюртимиз Абдулхай Шораҳматов мезбонлар вакили Бенжи Эбидога қарши рингга чиқди ва жанг 1-раундда ёк якунига ўтди. Жигар қисмига берилган кучли зарбадан сўнг Эбидо йиқилиб тушди ва жангни давом эттира олмади. Шу тариқа спорчимизнинг профессионал боксдаги илк жангни нокаутли ғалаба билан бошланди.



ТЕННИС. MVSK аъзоси Сабина Шарипова Қоҳирада таҳтиётган соврин жамғармаси 60 минг АҚШ долларини ташкил этувчи ITF турнирининг сафараш баҳсларида мексикалик Габриэла Дель Мар Санчесни 6:0, 6:1, бельгиялик Магали Кемпенни 6:4, 2:6, 12:10 ҳисобида мағлуб этди ва асосий тур баҳсларига йўл олди.



БАДИЙ ГИМНАСТИКА. Россиянинг Сочи шаҳрида «Лондон - 2012» Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қилган, терма жамоамиз сафида қитъя чемпионати ва Осиё ўйинларида муваффақият қозонган халқаро тоифадаги спорт устаси Ульяна Трофимова совринлари учун турнир бўлиб ўтди. Унда юртимиз гимнастикачилари ҳам иштирок этди. Ҳамюртимиз Мафтуна Зоирова ўсмиirlар ўртасидаги шахсий машқларда голиб чиқди, Асал Икромова эса катталар ўртасидаги беллашувлар якуннада кумуш медаллик бўлди. Гурух машқларида ҳам ўз имкониятларини синовдан ўтказган гимнастикачиларимиз якунда шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиши.



СТОЛ ТЕННИСИ. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари Латвияда бўлиб, ўқув-машгулот йиғини ўтказиши. Вакилларимиз йиғин доирасида 17 та жамоанинг 220 нафарга яқин стол теннисчилари иштирокидаги халқаро турнирида ҳам қатнашиши. Рига шаҳрида ўтган нуғузли мусобақада ҳамюртларимиз Жамшид Рахимберганов ва Насибаҳон Тожиҳуно ва бронза медални қўлга киритди.



КИЛИЧБОЗЛИК. Жазоирда ёшлар ўртасида Жаҳон кубогининг навбатдаги босқич баҳслари ўтказилди. Қизлар ўртасида сабля йўналишида кечган баҳсада ёшлар терма жамоамиз Мисрни 45:32, Италияни 45:43 ҳисобида мағлуб этиб, ҳал қиливчи баҳсада Франциялик тенгкурларига 40:45 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди ва мусобақанинг кумуш медали билан тақдирланди.

ХОРИЖ АРМИЯЛАРИ

ПОРТУГАЛИЯ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ

Европа қитъасининг жануби-ғарбида, Пиреней ярим оролида жойлашган Португалия Республикаси Шимолий Атлантика коалицияси - НАТО ташкил этилган кун (1949 йилнинг 4 априли)дан боштал мазкур блокка аъзо бўлган давлатлардан бири ҳисобланади. «Совуқ уруш» даври якунланганидан сўнг НАТО принципларига асосан ўзарбий салоҳиятини қисқартиришга киришган коалицияга аъзо мамлакатларнинг аксариятидан фарқли ўлароқ, Португалия АҚШ ва Голландиядан етказиб берилган фойдаланилган жанговар техника ва қуроллар, Австрия ва Германиядан харид килинган янги зирхи машиналар ҳамда сув ости кемалари ҳисобига ўз Қуролли Кучларини анча кучайтиришга эришган.

Португалия раҳбариятининг ташки сиёсий мақсадлари мамлакатнинг Шимолий Атлантика ва Европа Иттифоқидаги позицияларини мустаҳкамлаш, Европадаги интеграция жараёнларида фаол иштирок этиш, шунингдек Фарбринг етакчи давлатлари билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни кенгайтириш ҳисобига миллый хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган. Ҳозирги даврга келиб анъанавий кўринишдаги, яъни Қуруқлидаги қўшинлар, Ҳарбий ҳаво ва Ҳарбий денгиз кучларидан иборат бўлган Португалия Қуролли Кучларининг умумий сони 34 600 киши, 35 ёшгача бўлган резервдаги ҳарбийлар эса 211 950 кишини ташкил этади. Армия чақираву асосида бутланади, мамлакатнинг ҳарбий бюджети эса деярли 2,5 млрд долларни ташкил қиласди. Португалия ҳарбийлари БМТ ва НАТО миссиялари доирасидаги операцияларда мунтазам равишда қатнашиб келади.

Қуруқлидаги қўшинлар

Португалия Қуролли Кучлари асосини ташкил этувчи бу турдаги қўшинларнинг умумий сони (марказий ҳарбий бошқарув органлари шахсий таркибини ҳам кўшиб ҳисобланади) 17 900 кишидан иборат бўлиб, сафарбарлик эълон қилинган ҳолатларда 60 минг кишигача этиши мумкин. Қўшин таркибида 3 та бригада: механизациялашган, аэромобил (тезкор жавоб қайтарувчи) ва экспедицион бригада, шунингдек 3 та гарнizon пиёдалар полки, жанговар ва фронт орти таъминоти қисмлари мавжуд. Ҳусусан, механизациялашган бригада мамлакат армиясининг юқори жанговар шайлика эга бўлган илор кўшилмаси ҳисобланади. Бригаданинг жанговар қудрати асосини «Леопард-2A4» ва M60A3 типидаги жанговар танклар, M113A1 типидаги зирхи транспортёрлар, ўзиорар ва шатакка олинувчи миномётлар, «Стингер» типидаги танкка қарши зенит-ракета комплекслари, «Чапарэл» русумли бошқарилувчи зенит ракеталарини ишга тушириш қурилмалари ташкил этади. Аэромобил бригада артиллерия



қуроллари, миномётлар, кўчма танкка қарши ва зенит воситалари билан таъминланган. З та пиёдалар, зирхи кавалерия, артиллерия ва мухандислик полкларидан ташкил топган экспедицион бригада тасарруфида турли русумдаги зирхи машиналар, миномётлар, зенит-ракета комплекслари, кўчма танкка қарши ва зенит воситалари бор. Қуруқлидаги қўшинлар таркибига киритилган ҳарбий полиция полки ҳам ўзига хос ўринга эга бўлиб, 400 кишидан иборат бўлган шахсий таркиб ёнгил ўқотар қуроллар ва аэромуబиль техника билан таъминланган.

Ҳарбий ҳаво кучлари

Мамлакат Қуролли Кучларининг мустақил тuri сифатида 1952 йилнинг 1 июляда ташкил топган. XXK шахсий таркибининг умумий сони тинчлик даврида 6 850 кишини ташкил этади. Қўшин таркибида 4 та жанговар авиаация ва 5 та ёрдамчи авиаация самолётлари эскадрильяси, шунингдек, 3 та вертолётлар эскадрильяси бор. Португалия худудида жами 66 та (43 та қаттиқ қопламали, 23 та тупроқ қопламали) аэрородом бўлиб, улардан 5 таси узунлиги 3 000 метрдан ортиқ бўлган учиш-қўниш майдони (йўли)га эга. Жанговар авиаацияни жойлаштириш учун 5 та авиабаза ҳамда учиш-қўниш майдонининг узунлиги 1 800 метрдан ортиқ бўлган 16 та аэрородомдан фойдаланилади.

Ҳарбий ҳаво кучлари тасарруфида 100 га яқин жанговар ва 62 та ёрдамчи авиаация самолёти, 47 та кўп мақсадли ва транспорт вертолёти бор. Ҳаво ҳукумидан мудофоа бўлинмалари «Хагис» HR-3000 (3 та, АҚШ) ва 3D Lanza (1 та, Испания) типидаги радиолокация стансиялари билан таъминланган бўлиб, улар 450 км.гача узоқлик ва 20 минг метргача баландликдаги ҳаво нишонларини аниқлаш ва идентификациялаш имконини беради.

Ҳарбий денгиз кучлари

Мамлакат ҳарбий флоти (умумий сони 9 850 киши) таркибига турли кучлар флотилияси, дengiz piёdalari kўmondonligi, 5 ta dengiz zonasasi (Шимолий, Марказий, Жанубий, Азор ороллари ва Мадейра ороллари) kўmondonligi, шунингдек, Алфейте ҳарбий дengiz basasasi kira-di. Жумладан, турли кучлар флотилияси сув ости кемалари, эскорт кемалари, патруль кемалари ва катерларидан ташкил топган дивизионлар, десант кемалари ва катерлари отряди, кемаларга қарши вертолётлар эскадрильяси ва ёрдамчи флот кемаларини бирлаштириган. ҲДК ихтиёрида Германиянинг HDW кемасозлик консорциуми томонидан ишлаб чиқарилган «Тридент» ва «Арпау» русумли дизель-электр сув ости кемалари бўлиб, улар жанговар флот таркибида 2010-2011 йилларда киритилган. Эскорт кемалари дивизиони бошқарилувчи ракета куоролига эга бўлган 5 та фрегат билан таъминланган. Патруль кемалари дивизиони таркиbiда турли типдаги 5 та патруль

«ОСКАР» ФОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ



АҚШнинг Лос-Анже-лес шаҳрида навбатдаги «Оскар» мукофотлари-ни топшириш маросими бўлиб ўтди. «Энг яхши актёр» номинациясида «Жокер» филимидаги роли учун Хоакин Феникс, «Энг яхши актриса» номинациясида эса «Жуди» фильми бош қаҳрамони Рене Зеллвегер бош мукофотга лойик деб топилди. «Энг яхши хорижий фильм» йўналишида асосий даъвогар бўлган Жанубий Корея кино ижодкорларининг «Паразитлар» фильми нафакат ушбу номинацияда, балки «Йилнинг энг яхши фильми» номинациясида ҳам ғолиб бўлди.

ХИТОЙ ҲУДУДИДАН ТАШҚАРИДА



Япониянинг Йокогама порти яқинидаги ҳолатидаги турган «Даймонд принцесс» круиз кемасида коронавирусдан зарарланган ўловчиларни 542 кишига етган. Бу Хитой ҳудудидан ташқаридағи энг кўсалланлиши ҳолатидир. АҚШ маъмурлари ушбу лайнер бортида бўлган фуқароларини эвакуация қилишга киришган. Америкаликларнинг 328 нафари Токиодан иккита рейс орқали АҚШга юборилган. АҚШ давлат департаменти маълумотига кўра, мамлакатга қайтган фуқаролар 14 кун давомида Калифорниядаги базада карантин ҳолатида бўлишади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ҚУРУҚЛИДАГИ ҚЎШИНЛАР

Умумий сони - 17900 киши



Жанговар танклар - 220 та («Леопард-2/A4» ва M60A3 типидаги)



Танкка қарши воситалар - 310 та



Зирхи жанговар машиналар - 480 та («Пандур-2», «Шаймит» ва х.к.)



Артиллерия тўплари ва миномётлар - 360 дан зиёд



Зенит қурилмалари - 200 дан ортиқ

ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ

Умумий сони - 6850 киши



Жанговар самолётлар - 100 га яқин (турли типдаги F-15, F-16 ва х.к.)



Ёрдамчи авиаация самолётлари (ҳарбий транспорт ва ўкув-машқ самолётлари) - 62та (C-130H «Геркулес», «Фалкон 50», «Орион», «Альфа Жет» ва х.к.)



Кўп мақсадли ва транспорт вертолётлари - 47 та

ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ КУЧЛАРИ

Умумий сони - 9850 киши



Сув ости кемалари - 2 та («Тридент» ва «Арпау»)



Фрегатлар - 5 та (3 та «Васко да Гама» ва 2 та «Бартоломеу Диаш» типидаги)



Корветлар - 5 та («Жоао Коутинью», «Баптиста де Андраде»)



Патруль катерлари - 12 та



Денгиз авиацияси - 5 та вертолёт («Супер Линкс Mk 95»)

корвети ва 12 та патруль катери бор. Ёрдамчи флот гидрографик, океанографик, ўкув ва бошқа турдаги 20 дан ортиқ кемаларга эга. Денгиз авиацияси бўлинмалари «Супер Линкс» Mk 95 русумли 5 та вертолёт билан таъминланган.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлadi.

КУЧЛИ ТЎФОН САБАБЛИ



Etihat Airways компаниясига тегишли Абу-Дабидан Лондонга учган ўловчи самолёти «Денинс» тўфони сабаби Хитроу аэропортининг учиш-қўниш ўловлиги устида «қотиб» қолган. Мазкур ҳодиса 15 февраль куни Airbus A380 самолёти билан содир бўлган. Бу ўловчиларни ташиши мўлжалланган дунёдаги энг катта самолёт ҳисобланади, унинг максимал оғирлиги 394 тоннага тенг. Кучли шамол сабабли самолёт бўлган неча сонияга учиш-қўниш ўловлиги узра қотиб қолган, шундан сўнг у бурчак остида қўнишга муваффақ бўлган.

ХУҚУҚ

МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг ҳарбий қисм ва мұассасаларда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий пенсионерлар билан очиқ мулоқот ва сайёр қабул ўтказиш жадвалига асосан Сирдарё вилояти Ширин шаҳрида жойлашган 3-сонли санъат мактабида сайёр қабул ўтказилди.

Мазкур тадбирда Республика Ҳарбий прокуратураси раҳбарияти, Гулистон ҳарбий прокуратураси ҳамда Ширин шаҳар прокуратуралари ходимлари, худудий ИИБ, МИБ, ДХА, банк мұасасалари, меҳнат, ўрта маҳсуса мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, Тошкент ҳарбий округи қўшинлари кўмандонлигининг уй-жой, кадрлар, молия, тибиёт хизмати, ҳуқуқий хизмат ва бошқа йўналишлар мутахассислари иштирок этди.

Тадбир давомида барча йўналишлар бўйича жами 52 та мурожаат ва таклиф келиб тушди. Улардан 30 тасига шу жойнинг ўзида тушунтириш берилди, 8 та амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларга ўзгартариш киритиш ва фаолиятини такомиллаштириш хақида таклифлар берилди, 12 та мурожаат кўшимча ўрганиши талаб қилганилиги сабабли мутасадди идора-

лар томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилиб олинди, 2 та мурожаат қисман, 1 таси тўлиқ қаноатлантирилди.

Шунингдек, шаҳардаги «Ватанпарвар» ҳарбийлар шаҳарчасида яшовчи ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига яратилган шарт-шароитлар ўрганилди. Масалан, аҳоли коммунал тўловларни амалга ошириш учун ҳарбий шаҳарчага ҳар ойда икки кун кўчма терминал олиб келинишини сўрашди. Уларнинг ушбу сўрови шу ернинг ўзида ижобий ҳал қилинди.

2-сонли умумтаълим мактабида ўтказилган «Ёшлар билан учрашув» номли давра сухбати ҳам мазмунли бўлди.

**Адлия полковники Исломилжон АБДУҲАҚИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий
прокурорининг биринчи ўринбосари**

АСКАР ТАВСИЯНОМА ОЛСА

қандай имтиёзларга эга бўлади?

Кейинги йилларда миллий армиямиз моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш, қўшинларимиз сафини малакали кадрлар билан тўлдириш борасида дикқатга молик ишларга кўл урилди.

Хусусан, «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим мұассасаларига ўқишига кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»га карорга кўра, тавсияномалар Қуроли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича юксак натижаларга эришган, зарурий билим савициясига эга, намунали ҳарбий интизомини намоён этган энг муносиб ҳарбий хизматчиларга берилади.

Мъалумот учун таъкидлаш жоизки, гурух (бўлинма) командирлари томонидан ўқув юлидастури асосида муддатли ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик машгулотлари натижалари бўйича рейтинг кўрсаткичлари юритилади. Ҳар ой жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик машгулотлари бўйича ўқув фанларидан кўйилган баҳолари рейтинг кўрсаткичлари асосида ҳисобланади.

Ўқув фанларидан кўйилган баҳоларнинг ўтча кўрсаткичлари уларнинг ўқув фанлари бўйича юритиладиган журнallарда акс эттирилади ва йил давомида ҳисоблаб борилади. Мана шу

баҳолар уларнинг ўртача кўрсаткичини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлади. Якунда тест синовлари ўтказилинадан олдин ҳарбий қисм шахсий таркиби рўйхатига киритилган муддатли ҳарбий хизматчиларнинг 40 фоизига кўшимча балл берилади. Мана шу баллар якунда ўтказилган тест синовларида олинган балларга кўшилади ва якуний кўрсаткич чиқарилади. Белгиланган лимитга кўра, энг юкори балл олган ҳарбий хизматчиларга олий таълим мұассасаларига ўқишига кириш учун тавсияномалар берилади.

Қуроли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган fuқарolарга ҳарбий қисмлар кўмандонлиги томонидан олий таълим мұассасаларига кириш учун берилган тавсияномалар, шу санадан бошлаб уч ўйл мобайнида амал қиласди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисмлар кўмандонлигининг тегиши тавсияномаларига эга бўлган fuқarolар республиканинг олий ҳарбий таълим мұассасаларидаги тегиши таълим йўналишларига ўқишига киришда тест синовлари натижаларига кўра тўплаган балларининг 50 фоизи миқдорида кўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўладилар. Шунингдек, абитуриентларни республиканинг олий таълим мұассасалари (олий ҳарбий таълим мұассасалари бундан мустасно) бакалавриатига ўқиши кириши учун тегиши ўқув йилига тасдиқланадиган олий таълим мұассасаларига қабул параметрларидан ташқари алоҳида қабул кўрсаткичлари ажратилади ва улар ушбу кўрсаткичларни доирасида танловда иштирок этиши ҳуқуқига ҳам эга бўладилар.

**Адлия майори Шавкат РАЖАБОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси**

ТОШКЕНТДА ҲАЛҚАРО ФОРУМ

Тошкентда «UAALF – 2020» ҳалқаро авиаация форуми бўлиб ўтди. Унга АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Канада, Хиндистон, Бразилия, Туркия, Кувайт, Миср, Россия ва бошқа давлатлардан 60 дан ортиқ экспонент, 300 нафар делегат ва 1 200 дан зиёд мутахассислар ташриф бўюрди. Шунингдек, форумда транспорт, fuқaro авиацияси ва аэропорт тизимларининг давлат ва хусусий тузилмалари раҳбарлари, 180 га яқин етакчи хорижий авиакомпаниялар вакиллари иштирок этди. Авиафорум доирасида кўплаб қизиқарли тадбирлар ўтказилди.

ХАВФСИЗЛИК ЙУЛИДА ҲАМКОРЛИК



Россия Давлат думаси спикери Вячеслав Володин Афғонистон Миллий ассамблеяси раиси Мир Раҳмон Раҳмоний билан учрашуда ҳар икки мамлакат парлamenti вакилларининг тероризмга қарши кураш конунчилигини ишлаб чиқишидаги ҳамкорлиги мұхим аҳамиятта эгалигини таъкидлаб ўтган. Ўз набатида, Раҳмоний ҳам «...барча саъ-харакатларимиз ҳар икки мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, терроризм ва ИШДга қарши ҳамкорликда курашга йўналтирилган. Афғонистон бу масалаларда Россиянинг бой тажрибасидан фойдаланиши мүмкун», деб таъкидлади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ХАБАРЛАР

ЙИЛЛИК САРҲИСОБ



«Ҳалқ ва армия – бир тан-у бир жон» деган фоянинг амалдаги ифодаси Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг фаолиятида яққол намоён бўляти.

Қуролли Кучлар давлат музейида Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши миңтақавий бўлнимни етакчи мутахассисларининг ўқув-услубий ҳамда ўтган йилги фаолиятида яхши ҳисобот йигини ўтказилди. Унда мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев қатнашди.

Этиргида этилганидек, айнан Жамоатчилик кенгашининг самарали фаолияти ҳалқ ва армия ўртасидаги узвий бирликни, ҳамфирлик ва яқдилликни мустаҳкамлаш билан бир катorda мамлакатимизда мудофаа ва хавфсизлик масалаларида олиб борилётган давлат сиёсатини тарғиб қилишга, такомиллаштиришга хизмат килиб келмоқда.

Айжамал МАҲСЕТБАЙ қизи

«ЖАСОРАТ» ТЎГАРАГИ – 6 ЁШДА

Пойтахтимизнинг Сергели туманида фаолият олиб бораётган «Жасорат» ватанпарварлик тўғараги 4 ёшдан 18 ёшгача мингдан ортиқ ўғил-қизларни ўзида жамлаган.

Мазкур тўғарак ташкил топганлигининг 6 йиллиги муносабати билан туман ҳокимияти мажлислар залида фахрийлар, жамоатчилик вакиллари, ёшлар ҳамда курсантлар иштироқида тадбир бўлиб ўтди. Туман ҳокимиининг ўринбосари Мирзоҳид Хидиров тўғарак раҳбарларига эсадлик совғалар ва дипломлар топшириди.

Фазлиддин ЧОРИЕВ

БЕШ ТАШАББУС – БЕШ ИМКОНИЯТ!



Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида 207-умумтаълим мактабида Алишер Навоий ҳамда Заҳиридин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишилаб очик дарс ўтказилди.

Тадбирнинг «Беш ташабbus – беш имконият» деб номланган иккинчи қисмида ўқувчилар спорт, китобхоник, амалий ва тасвирий санъат намуналири билан қатнашди.

Ҳарбий оркестр садолари остида ўтказилган курсантларнинг чиқишилари ўқувчиларда катта кизиқиётиди.

– Ўқувчилар орасида ҳарбий бўлишга интилаётганлар кўп. Улар ўзларини қизиқтирган саволларига курсантлардан жавоб олди, – деди она тилива адабиёт фани ўқитувчиси Муҳаббат Зоррова.

Ўқувчилар қаламига мансуб «Шукрон» номли шеърий тўплам тадбирда фаол иштирок этган қатнашчиларга эсадлик сифатида топширилди.

Шоҳсанам НИШОНОВА

РАЗВЕДКА БОШҚАРМАСИГА ТАШРИФ



Қозогистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев мамлакат Қуроли Кучларининг Бош разведка бошқармасига ташриф бўюрди. Президент ҳарбий разведка фаолиятига ўюри баҳо берди ва тобора муракаблашиб бораётган ҳалқаро шароитларда унинг мамлакат хавфсизлигини таъминлашдаги роли мұхим аҳамиятта алоҳида таъкидлаб ўтди. Олий Бош Қўмандон Бош разведка бошқармасига ҳарбий разведка тизими니 такомиллаштириш ва янада ривожлантириш борасидан исхарни измил давом эттириш бўйича тегиши топшириклар берди.

ХАБАРЛАР

ПРОФЕССИОНАЛ РОЛЬ
ИЖРО ЭТГАН
(НО)ПРОФЕССИОНАЛЛАР



Чирчик олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида сўз мулкининг сultonи Алишер Навоий, шоҳ ва шоир беназир қалб эгаси Захиридин Муҳаммад Бобур тавалудига бағишиланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда ўзбек мумтоз адабиети гултоҳлор бўлмиш бу икки улуғ симо хаётига бағишиланган саҳна кўринишлари намойиш этилди. Тадбир аввалида «Турон» давлат ҳарбий театри томоша ўюштириши ҳақида эшитган эдик. Ўзбек, рус, инглиз ва форс-тожик тилларида моҳирилк билан ижро қилинаётган томошани завқ билан кўриб, ҳарбий театр жамосига таҳсин айтиб ўтирганимизда ҳарбий таълим муассасаси бошлиги полковни Фарҳоджон Ортиков саҳнадагилар курсантлар эканлигини айтиб, ҳайратимизни ошириди.

Курсантларнинг ҳар бир қаҳрамон характеристикини моҳирилк билан ўргангани шундок сезилади. Айниқса, чет тилларда бемалол, ҳеч қандай қийинчиликсиз эркин ролга киришиши, талафузи уларнинг билимдон эканлигидан далолат бериб турарди. Саҳнада чиндан ҳам профессионал роль ижро этган нопрофессионалларни кўрдик.

Шундан сўнг «Турон» давлат ҳарбий театри ўз чиқишиларни бошлади. «Жалолиддин Мангуберди», «Темур Малик» саҳна кўринишларидан қўйилган парчаларни курсантлар олқишилар билан кутиб олди.

Р/С. Билим юрти шахсий таркиби ушбу ҳабаримизни ўқиб, бизни нопрофессионалла чиқаришибиди, деб асло ранжимасин. Чунки театр йўнилишида ижод қиласиётган, узок йиллик машаққатларни енгib ўтган, мухлислар эътиборини қозонган эл ардоғидаги санъаткорларни профессионал дейишиди. Сиз ўз соҳонгиз бўйича профессионалсиз. Аммо бугун саҳнада ўзингизга ёт бўлган соҳони ҳам профессионал даражада қойиллатдингиз. Буни қобилият дейдилар

И. НОРМАМАТОВ

ЗУККО ВА ТАДБИРКОР АЁЛЛАР БЕЛЛАШДИ

Наманган вилояти, Чуст туманида ҳарбий хизматчиларнинг оиласлари билан кўплаб тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Ана шулардан бири миллий урф-одатлар, қадриятлар ва замонавий турмуш тарзини тарғиб этиш, ҳар томонлама комил ҳарбий хизматчи оиласини шакллантириш максадида ўтказилди. «Балли, аёллар!» кўрик-танловида ҳарбий хизматчиларнинг турмуш ўртоқлари тўртта шарт бўйича беллашдilar.

Ҳакамлар – Чуст тумани ҳокимлиги хотин-қизлар билан ишлаш мутахассиси Мамлакат Арипова, туман маънавият-маърифат бўлими раҳбари Саида Насимхонова ҳамда Бирлик маҳалласи фаоли Марям Ходжаева иштирокчилари муносиб баҳоладилар.

«Энг чаққон аёл» номинациясида Мадина Ҳасанова, «Энг зукко аёл» номинациясида Дилнавоз Шаропова совриндор бўлди.

Дилнавоз Очилова «Энг тадбиркор аёл» номинациясини кўлга киритиб, кўрик-танловнинг округ босқичига йўлланма олди.

Серхант Бобомурод НУРАТОВ


ҲАРБИЙ ЛИБОСДАГИ МАЪНАВИЯТ

ТИНЧЛИКНИ АРДОҚЛАГАН АДИБ

Ҳерманн Ҳессе (1877 – 1962) XX аср нафакат олмон, балки жаҳон адабиётининг йирик намояндадаридан бири. Унинг «Чўл бўриси», «Маржонлар ўйини», «Сиддҳартха», «Демиан», «Петер Каменцин», «Гертруда», «Нарцисс ва Голдмунд» сингари романлари XX аср адабиётининг улкан ютуғи сифатида ўтирофга сазовор бўлган, бундан ташқари, яна кўплаб кисса, хикоялари, шеърлари, сиёсий, адабий-танқидий руҳдаги асарлари чоп этилган. Адид ўз ижодида Ғарб ва Шарқнинг илгор фалсафий-адабий анъанарапарни синтезлаштиришга эришган. 1946 йилда Халкаро Нобель мукофотига сазовор бўлган.

У 1877 йилнинг 2 июляда Германиянинг Калв шаҳарчасида миссионерлар оиласида дунёга келди. Ёшлигидан китобга, китоб мутолаасига алоҳида меҳр кўйди. Бунга бобосининг олмон ва Шарқ файласуфлари қаламига мансуб китоблар жамланган жуда катта кутубхонаси сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас. Ёш ўсмир учун ушбу кутубхона басомли хазина эди, десак муболага бўлмайди. Китоб билан ошно бўлиши уни ўз тенгдошларига нисбатан тез улғайтириди. Дарҳақиқат, Ҳессе том маънода айнан китоб куч-қудрати билан дунёнинг машҳур адабига айланга олган ижодкордир. Чунки у на бир коллежни битирган, на бир бошқа ўқув даргоҳини. Ҳатто диний семинарияни ҳам бирон йил ўқимасдан ташлаб кетган. Унинг бутун ўқиб-ўргангандарни факат китоб туфайли эди.

Ижодий услубдаги айнан шарқона ёндашув сабаб Ҳессе Европада жуда тез танилиб, ўтироф этилди, шу билан бирга, унинг фалсафий-адабий қарашлари бир умр тақида қилиб келинди. Немис адабиётининг айрим вакиллари, кўплаб зиёлилар Биринчи жаҳон уруши даврида милитаризмни ёқлаб чиқсан бир пайтади, Ҳессе мазкур қирғинбаротни «инсониятга қарши жиноят» деб коралади. Айнан ана шу даврда бутун Германия матбуоти Ҳессенни «қўрқон ва сотқин», деб айблаб, айоҳаннос солди. Бу ҳақда ёзуви ўзининг «Чўл бўриси» романида шундай ҳикоя киласиди: «...Шу пайт профессор кириб келиб, жонимизга оро кириди. У ҳам мен билан самимий саломлашиби ва ҳукм сурәтган ғалати ҳамда кулагили вазият ўзининг мумкин бўлган энг ажойиб ифодасини топди. Унинг кўлида қандайдир газета бор эди – у обуна бўлган бу нашр милитаристлар ва уруш оловини ўқувчилар партиясига мансуб рўзнома эди. Мен билан сўрашиб бўлгач, у газетага ишора қилиб, алланималарни сўзлай кетди. Англашимча, рўзномада менга адаш бўлган аллақандай публицист Ҳаллер ҳақида ёзилган бўлиб, бу ярамас, беватан дарбадар кайзерни мазах қилганимish, буям етмагандек, у яна шундай фикрини ҳам билдирибди, гўё унинг Ватан урушининг юзага келишида бекордан-бекорга душман мамлакатлардан ҳам кўра кўпроқ айбдор бўлиб қолаётганимish. Бу ўзи қанаканги аҳмок йигит бўлдайкан-а! Мана, у оларини олиди. Тахририят бу бузғунчини боллаб таъзирини бериб, шарманданси чиқарибди. Қараса, бу гаплар мени мутлақо қизиқтиրмаяпти, шунданми, сұхбатимиз энди бошқа мавзуга кўчди. Бироқ барibir иккаламиз ҳам шу тобда қани энди ҳозир ўша ифлос шу ерда бўлсайди, деган хәёл билан банд эдик, аслида эса, ўша «ифлос» худди менинг ўзим эдим. Ҳўш, энди ортиқча шовқин солиб, одамларни безовта, бехузур қилишнинг нима кераги бор! Бунинг ўрнига ичимда ним кулиб кўяқолдим, бироқ бугунги оқшом ёқимли, кўнгилли бўлишидан умидимиз узгандим. Ўша лаҳза хали ҳам аник эсимида. Чунончи, профессор ўша Ватан хоини Ҳаллер ҳақида гапираётган лаҳзада, мендаги хор ўша дағн маросими машмашасидан бошлаб йиғилиб, тобора кескинлашиб бораётган оғир руҳий кайfiят ва тушкунликнинг чидаб бўлmas ҳиссиёти бора-бора тўпланиб, шунақан-



ги исканжакага олдики, асти қўяверасиз; натижада қорнимнинг пастки қисмидаги кучли оғир пайдо бўлиб, нафасим бўғилди, кўз олдим қоронғилашиб, даҳшатли тақдир-қисматимни англагандек бўлдим...»

Адид эса бу пайтда муҳорабанинг ҳариккала томонидан асир тушганларга, ҳарбий лагерларда ётганларга маънавий-маърифий хайрия кўмаги кўрсатиш билан банд эди.

Ҳессе ҳар бир асарини ўз даврининг энг дол зарб муммомларига қаратди, асарлари орқали уларга ўз муносабатини билдириб, таҳлил қилди, керак бўлса, аёвсиз фош этиди. Жумладан, унинг дастлабки романларидан бири «Гилдираклар остида» кайзер Германиясининг ёш авлодни маънавий майб-мажруҳ қилишга асосланган ҳарбийлашган таълим тизимини тубдан фош этувчи асарга айланди. Ушбу романда «улкан машина гилдираги» остида қолиб нобуд бўлган бола фожиаси мисолида кайзер таълим тизимиning бутун мояхиди аёвсиз очиб ташланади. Яъни мазкур таълим тизими болани босиб, ҳалок қилган улкан машинага ўҳшатилиди. Адиднинг ушбу асари ўз даврида ниҳоятда машҳур бўлиб кетди. Чунки асар чоп этилгандан сўнг кўп вақт ўтмай кайзер Германияси ўз фарзандларини биринчи жаҳон урушининг жанггоҳларига олиб кириди. Уруш ва қирғиннинг энг қабиҳ жиноят деб билган адабий милитаризм васвасасига йўлиқкан миллатдошларидан узокрок бўлиш учун Швейцарияга кўчиб ўтади ва умринга охиригача Ватанидан узоқда, табиат ва гўзаллик уйғунлашган овлок Монтаньола қишлоғига умргузаронлик килади. У ўша ерда 1962 йилнинг 9 августида, 85 ёшида вафот этиди.

Ағсуски, ўтган асрнинг 20-йиллари охиридан то 40-йиллар бошига қадар, Ҳессе деярли унтилди. Аммо уруш ва урушдан сўнгти йиллар давомида Ҳессе асарларига қизиқиш ва интилиш тобора кучайиб боради. Негаки, урушнинг қирғинбартот даҳшатларига гувоҳ бўлган авлод Ҳессе ўз асарларида излаган ўша маънавий озуқага эҳтиёж сеза бошлияди. 1943 йилда адабининг «Маржонлар ўйини» романи босилиб чиқади. Ушбу асар Ҳессе ижодининг чўққиси ҳисобланади. Асар уч кисмдан, яъни Кастантия давлатининг тарихи ҳақида рисола-таҳлил, бош қаҳрамон Кнехтнинг ҳаётни ва фаoliyati ҳамда ўнинг асарларидан иборат бўлиб, унда адид ўзи ўшаган даврнинг маънавий-руҳий манзараларини мажозий-ҳаёлий услугда тасвирлаб, хулосалаб беради.

«Маржонлар ўйини» ўзининг наинки шакли, балки мазмунни ва кўтарилган масалалари билан уруш кўрган авлодга катта таъсир кўрсатди. Роман бирданига машҳур бўлиб кетди. Чунки қирғинбартот урушдан чарчаган ва боши берк кўчага кириб қолган авлод ушбу асарда ўз бошидан кечиргандарига оқибатларини кўришга мусяссар бўлди. Ана шундай бир вазиятда яна Ҳессега қайтиш, уни ўқиши ва ўрганиш савъ-ҳаракатлари бошлианди. Ана шу савъ-ҳаракатларининг натижаси ўларок, 1946 йилда Ҳерманн Ҳессе Халкаро Нобель мукофотига муносиб деб топилди. Бу эса ёзуви ижодининг ва тарғиб қилган гояларининг дунё миқёсида ўтироф этилиб, тан олинишидан далолат эди.


Мирзаали АКБАРОВ



O'quvchining kun tartibi

KUNLIK REJA KERAKMI?

Siz muvaffaqiyatli insonlarga havas qilasizmi? Ularning bu natijaga qanday erishganiga hech qiziqib ko'rghanmisiz?



Namunaviy kun tartibi

Kunning birinchi qismi

- 07⁰⁰-07⁰⁵ – uyg'onish
- 07⁰⁵-07¹⁵ – o'rinni yig'ishtirish
- 07¹⁵-07²⁰ – badantarbiya
- 07²⁰-07³⁰ – yuvinish
- 07³⁰-07⁴⁵ – ovqatlanish
- 07⁴⁵-07⁵⁰ – muktabga otlanish
- 07⁵⁰-08⁰⁰ – muktabga yetib borish

Mana, aziz bolajonlar, biz sizlarga kunning yarmini qanday tashkil etish haqida namunaviy reja taqdim etdik.

TULKIVOYNING HASRATI

Buncha shirin
Oh, oh, oh,
Bu xo'roqning ovozi.
Yaqinroqdan tinglashga
Qo'ymaydi afsus, tozi.

O'zim ayyor deyman-u,
Goho dumim berar pand.
Alamimdan shu sabab
Yeyman doim xo'rozqand.

She'r va rasm muallifi
Azamat XUDOYBERGANOV

Kunning ikkinchi qismi

Endi o'zingiz kunning ikkinchi yarmini rejalshtirishga urinib ko'ring. Unutmang, rejali ishda baraka bo'ladi.



ALISHER NAVOIY

Navoiy navosidan dars olgan bulbul,
Otashin qalblarga mehr sochgan ul.
Bizlarga merosdir "Devoni Fomiy",
G'azal ila o'sdi bog'dagi har gul.

Buyuk zot aslida millat quyoshi,
Yetti iqlimda ham yo'qdir qiyosi.
Qalblarga nur sochar uning ziysi,
Shundan nurga to'ldi adab dunyosi.

"Hayrat-ul abror" u "Farhod va Shirin",
Layliga yetolmay sog'inchda Majnun.
Yetti hikoyatduri "Sabbayi Sayyor",
"Saddi Iskandariy" ibrat biz uchun.

Navoiy "Xamsa" si dillarda aziz,
Uning g'azallari mo'tabar, laziz.
Yomonlikdan qilur dillarni ogoh,
Biz ham unutmaymiz ul zotni hargiz!

Dilshodbek AKRAMOV,
Yashnobod tumanidağı
255-umumta'lum muktabining 7-sinf o'quvchisi

КАШФИЁТ

ТЕХНОЛОГИЯЛАШГАН ХАЁТНИНГ 12 ТА БЕЛГИСИ

1. Роботлашган таълим

Бугун «робот-устоз»ларнинг билими кучли дея баҳоламоқда. Улар ўнлаб тилда гаплашиши, ҳар қандай математик ва алгоритмик масалаларни жуда содда тилда тушунириши мумкин. Лекин битта тарафи – сиз мажбуран эмас, хоҳишингизга кўра таълим олишингиз керак.

2. «Олма пиш, оғзимга туш» ёки уйда ўтириб бозор қилиш маҳорати

Бугунги кунда ҳам вақтини, ҳам асабини қизғанганд одам албатта, ўзи истаган буюмини тиқилинч ҳам бозорларда эмас, қўлидаги гаджети орқали интернет магазинлардан харид қиласди. Бу ҳам сифатли ишончли харид тури.

3. Ҳайдовчисиз машиналар

Технология ривожланган давлатларда албатта, бундай машиналарни хуш кўришади. Чунки биринчидан, ишончли, иккинчидан, ҳалокатларга кам учрайди. Аниқ бошқарувга эга бўлган автомобилларни ким ҳам хоҳламайди, дейсиз.

4. Кўз орқали бошқариладиган лифтлар

Инсон онги шунчаликка етдики, эндиликда кўл билан бажариладиган хар қандай нарса, унга оғирлиқ қилипти. Дубай шаҳрида ихтиро қилинган бу янгилик бугунги кунда гигант компанияларда йўлга кўйилган.

5. Робот-ошпазлар

Роботлаштирилган ресторон ҳақида эшитгансиз. Унда ҳеч қандай ошпаз ва официантлар фаолият юритмайди. Хўрандалар хизматини робот-ошпазлар бажарисади. Улар иштепмочиларнинг хоҳлаган овқатини меню асосида тайёрлашади.

6. Инсон боши кўчирилди ва натижка аъло

Яқиндагина амалга оширилган оламшумул янгиликлардан бири бу инсон бошининг бошқа танага кўчирилишидир. Технология кашфиётлари кўпроқ тиббиёт соҳасида ривожланмоқда. Америка, Хиндистон ва англиялик мутахассислар томонидан амалга оширилган бу операция натижаси кутгандан ҳам



аъло бўлди.

7. Журналистларга иш йўқими?!?

Япония технологияси асосида яратилган робот-муҳбирлар буғунги кунда 3 сония ичидаги 14 та мақола ёки янгилик ёзишига қодир. Журналистикада жанрлар кесишмаси бўлаётган бир пайтда бундай технологиянинг кашф қилиниши айни мудда.

8. Музлатилган одамлар

Тиббиёт ривожланган бўлса ҳам аммо ҳозиргача баъзи бир қасалликларнинг давоси топилмади. Шундай қасалликларга чалинган беморлар «Келажак авлод»дан шифо излаб, ўзларини музлатмоқда. Бугунги кунга келиб 2 500 бемор ва одамлар ўзини шундай музлатишган.

9. Сунъий озиқ-овқатлар

Америка технологияси буни аллақачон ҳаётга татбиқ қилганди. Сунъий озиқ-овқатларни инсон саломатлигига тўлиқ фойдали, деб бўлмайди. Лекин бундай маҳсулотлар кам калорияни бўлиб, семириб кетишингни олдини олади.

10. Уй жиҳозлари билан «гаплашиш»

Яқин келажакда уйимиздаги техникалар «хизматкор» вазифасини бажарисади. Улар овқат пишириши, кийимларнингни саришталаши, сиз билан соатлаб турли мавзуларда сўхбат куриши, умуман олганда, кўп вактингизни оладиган барча ишларни бажариси мумкин.

11. Учувчисиз самолётлар

Эндиликада биз учувчисиз самолётларда парвоз қилишимиз мумкин. Бу ҳафли, деяпсизми? Аксинча, олимларнинг айтишича, бундай самолётлар аниқ жадвал асосида ишлайди. Шунингдек, уларнинг ҳалокатга учраш кўрсаткичи жуда паст.

12. Осмонга уй қурилади

Тиниб-тинчимас дубайлик меъморлар азон катламига уй қуриши режалаштирилган. Гап шундаки, бу уй ердан узилган ҳолатда қурилади. Албатта, Ернинг Қуёш атрофидаги айланиши ҳисобга олинган.

**А. ЖАНИБЕКОВА
тайёрлади.**

БИР ЧИМДИМ

Онанг оёқдан қолса,
қўлларингда кўтариб юр,
ҳали оёқларинг чиқмасидан,
у сени бағрида олиб юрган.

Фридрих ХЕББЕЛ



БИЛАСИЗМИ?

Темурнинг таърифи

Амир Темур, «Жанг пайти уларнинг ўрни бекиёс, 100 та моҳир жангчи ҳам уларнинг ўрнини боса олмайди», деб айтган. Соҳибқироннинг бу таърифи кимлар ҳақида?

хабор: tezgina.uz

БИЛАСИЗМИ?

Бойқаронинг «Ўрду бозори»

Ёзувчи Ойбекнинг «Навоий» романида ёзилишича, Ҳусайн Бойқаронинг ҳарбий юришлари пайтида «Ўрду бозори» номли бозорлар бўлган экан. Ушбу «Ўрду бозори»да нималар билан савдо қилинган?

хабор: karmoq.uz

КЕЛГУСИ СОНДА:

«Нуроний» газетаси
«Ватанпарвар»

Меҳмони. Улар қуруқ қўл билан келдими ёки...

Ўзбекистонда чиқинди
полицияси пайдо бўладими?

VATANPARVAR



Муассис:

Бош мухаррир
вазифасини
вақтингча бажарувчи:
подполковник
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ

Навбатчи:
майор
Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА

Саҳифаловчилар:
Рамиз ВАЛИЕВ
Олим БЕРДИЕВ

Мусахҳихлар:
Муҳаррам КАМОЛОВА
Мастура ҚУРБОНОВА

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛIGI

www.mudofaa.uz

Телефонлар:

71-260-36-50
Факс: 71-260-32-29.

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган
қўллэзмалар тақриз
қилинмайди ва
муаллифларга
қайтарилмайди.
Мудофаа вазирлиги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
департаменти
«Ватанпарвар» Бирлашган
таҳририятининг компьютер
марказида сахифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигига 2008 йил
6 июнда 0535 рақами билан
рўйхатта олинган.

Газетанинг етказиб берилиши
учун обунани расмийлаштирилган
ташкilot жавобгар.

Муаллифлар фикри таҳририят
нўқтai назаридан фарқланиши
мумкин.

Буюртма: г-262
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичиши: А3.
Адади: 37 637 нусха.
Босишига топшириш вақти:
14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан
чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акция-
дорли компаниясида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш.,
Буюк Турон кўчаси, 41-й.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-й.